Мустақиллик ҳуқуқ демакдир

Ҳуқуқ

Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг газетаси

1998 йил
16 декабр, чоршанба

50 (62)

Газета 1997 йил 27 августдан чиқа бошлаган

1999 ЙИЛ - АЁЛЛАР ЙИЛИ



• *Республика прокуратурасида*

БУ ШУНДАЙ ЮРТКИ...

унда инсон қадри, меҳнати улуғланади

Ўзбекистон мустақиллигининг 7 йиллиги байрами арафасида мамлакат мудофаа қудрати ва миллий хавфсизлигини, халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси, мустақил Ватанимизни ҳимоя қилишда кўрсатган фидойилиги ва мардлиги, ҳуқуқ-тартиботни таъминлашдаги катта хизматлари учун республика прокуратурасининг бир гуруҳ ходимлари ҳам Ватаннинг юксак мукофотларига сазовор бўлган эдилар. Конституция куни арафасида Республика прокуратурасида ана шу мукофотларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

Республика Бош прокурори Б.Мустафоев ўз маърузасида мустақил давлатимиз Конституциясининг тарихий аҳамияти, мазмун ва моҳияти, ислоҳотларни амалга оширишдаги беқиёс ўрни ҳақида гапирар экан, Асосий Қонунимиз прокуратура идоралари зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар қўйганлигини таъкидлади. Конституция ва қонунларимиз устуворлигини таъминлаш йўлида ҳар бир прокуратура ходими қатъият ва сабот билан меҳнат қилмоғи лозим. Буни тўғри тушунган прокуратура идораларининг ходимлари фидойилик кўрсатиб, меҳнат қилмоқдалар.

Энг муҳими давлатимиз Ўзбекистон келажаги учун қайғуриб, ўз вазифасини садоқат билан, виждонан адо этаётган фидойи кишиларимизни юксак қадрламоқда. Мустақиллик йилларида 70 нафардан зиёд прокурор ва тергов ходимларининг фахрли давлат нишонларига сазовор бўлганликлари ана шундан далолат беради.

Зеро, олижаноб, меҳнати қадрланган инсон халқ ва Ватан равнақи учун ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтишга, бутун умрини эзгу ишларга сарфлашга тайёр туради.

Бош прокурор Б.Мустафоев эл-юрт эътирофига сазовор бўлган мукофотлар соҳибларини чин дилдан муборакбод этди ва улар давлатимиз мустақиллиги йўлида бутун куч-ғайратларини, билим ва маҳоратларини аямай, фидойилик намунасини кўрсатишларига ишонч билдирди. Шундан сўнг, мукофот соҳибларига ватаннинг фахрли нишонлари топширилди.

Тақдирланганлар номидан сўзга чиққан Гурлан туман прокурори С.Абдуллаев юрт мустақиллигини мустаҳкамлаш, Конституция ва қонунлар устуворлигини таъминлашда бундан буён ҳам садоқат билан меҳнат қилажакларини изҳор этди.

Обуначиларимиз сафи 27 минг 96 тадан ошди

Қашқадарёда 1999 йилда «Қонун ҳимоясида» журналини 3 минг 74 киши, Навоий вилоятида эса атиги 84 киши ўқийди.

(1998 йил 10 декабргача бўлган маълумот).

«Қонун ҳимоясида» журнали			«Ҳуқуқ» газетаси		
1. Қашқадарё	-	3074	1. Тошкент шаҳри	-	2793
2. Тошкент шаҳри	-	1938	2. Тошкент вилояти	-	2342
3. Тошкент вилояти	-	1405	3. Бухоро вилояти	-	1256
4. Сирдарё	-	1392	4. Сирдарё вилояти	-	1189
5. Бухоро	-	1349	5. Қашқадарё вилояти	-	862
6. Андижон	-	879	6. Сурхондарё вилояти	-	740
7. Сурхондарё	-	842	7. Самарқанд вилояти	-	729
8. Хоразм	-	757	8. Андижон вилояти	-	697
9. Самарқанд	-	743	9. Хоразм вилояти	-	578
10. Фарғона	-	650	10. Жиззах вилояти	-	471
11. Жиззах	-	573	11. Фарғона вилояти	-	434
12. Қорақалпоғистон	-	517	12. Қорақалпоғистон	-	355
13. Наманган	-	169	13. Наманган	-	146
14. Навоий	-	84	14. Навоий	-	69

ТЕРГОВ ҚИЛИНАЁТГАН ШАХСНИНГ АДВОКАТДАН ВОЗ КЕЧГАНЛИГИНИ КИМ ИСБОТЛАЙДИ?
АДВОКАТЛИК МАНСАБ ЭМАС. ЛЕКИН... 3-б.

ТАКЛИФ 4-б.
РАҲБАР ХОДИМЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАЁТГАН НУҚСОН ВА ЖИНОЯТЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЮЗАСИДАН СОБИҚ РАҲБАР МУЛОҲАЗАЛАРИ.

«Ҳуқуқий МАСЛАҲАТХОНА» 5-б.
Муштарийлар саволлари асосида янги саҳифа.

ЧЎПОН ЖАЗОДАН ОЗОД ЭТИЛДИ 6-б.
Ёши бир жойга бориб қолган, 8 нафар фарзандининг отаси жиноий жазога тортилиши муқаррар эди. Лекин... ҳукм чиқаришда судланувчига нисбатан инсонпарварлик нуқтаи-назаридан ёндошилди.

Илҳом ЗОЙИР
«Ҳуқуқ» меҳмони
... - Сайфи Сатторович, «Ҳуқуқ»-нинг янги сонини ўқидингизми?
- Йўқ, ҳали, нима деб ёзишибди?
-Биласизми, нима деб ёзишибди?
- Тезроқ гапирсанг-чи, сертсага нагрузка қилма...
- Эй, қўйинг, телефунда айтадиган гап эмас-да... 8-б.

БОСҚИНЧИ - 55 ЁШЛИ АЁЛ 7-б.
Хотин-қизларни жиноятга ким ундаяпти? Эркакларми?..

ТАЪСИСЧИЛАР:

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси

Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратуралари «Қонун ҳимоясида» журнали

БОШ МУҲАРРИР:

Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Асрор АҲМАДЖОНОВ
Дилшод ИСЛОМОВ
(масъул котиб)
Мэлс НАИМОВ
Орипжон ХОЛМАТОВ
Лола ШОМУРОТОВА
Бахтиёр НАЗАРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Зайниддин МАМАДАЛИЕВ

Газета андозаси «Ҳуқуқ» газетаси компьютер марказида тайёрланди.

Таҳририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.Газетадан кўчириб босилганда «Ҳуқуқ»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик мақолалар белгиси остида чоп этилади.

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, академик Яҳё Ғуломов кўчаси, 66 - уй.

Телефонлар:
13-363-88, 13-382-34, 77-72-25

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан №00150 рақам билан рўйхатга олинган.
Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонасида офсет усулида босилди.
Манзили: *Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси -41.*
Нусхаси 12673
Буюртма Г- 0540
Қоғоз бичими - А-3.
Баҳоси сотувда эркин нархда.

Босмахонага топшириш вақти: 20.00
Босмахонага топширилди: 18.00

Суратлар муаллифи Р.ШАРИПОВ

Навбатчи муҳаррир: Д.ХАЛИЛОВ

1 2 3 4 5 6 7

«Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин»

Тошкент Молия институтида Ўзбекистон Конституциясининг 6 йиллигига бағишлаб ўтказилган анжуман ана шундай номланди. Анжуманда институт ўқитувчи ва талабаларидан ташқари республикамизда чоп этилаётган «Қонун ҳимоясида» журнали ва «Ҳуқуқ» газетаси ҳамда «Ҳаёт ва қонун» журнали, «Инсон ва қонун» газетаси ижодий жамоалари иштирок этдилар.

Анжуманни институт ректори, академик М.Шарифхўжаев очди. У киши мамлакатимизда иқтисодий, сиёсий, маънавий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида гапириб, жумладан шундай деди: «Ёшлар - юрт келажаги, буни сиз, талабалар қалбдан ҳис қилишларингиз керак. Сизлардан умидимиз катта. Юртбошимиз ҳам «Бизнинг энг катта ишончимиз, мададтаянчимиз - бу ўсиб келаётган ёш авлодимиздир», деб бежиз айтмади».

Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси фуқароларнинг юқори савиядаги ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятида намоён бўлади. Халқнинг ҳуқуқий саводхонлигини ва ҳуқуқий маданиятини оширишда матбуотнинг, хусусан, юридик нашрларнинг ўрни беқиёс. Айниқса, ёшлар ўртасида ҳуқуқий тарбияни кучайтириш ислоҳотнинг энг асосий талабларидан бири бўлиб қолди.

Ёшлар ҳамма даврда ўзларини ҳам илмда, ҳам меҳнатда кўрсатиб келганлар. Аммо, бугунги навқирон авлод ўтмишдошларидан бошқачароқ яшаши, илм олиши ва меҳнат қилиши керак. Чунки, улар озод мамлакатнинг эркин фуқароларидир. Юртбошимиз сизларга дунёнинг эшикларини очиб берди. Имкониятдан эса фойдаланиш керак. Бунинг учун эса Сизлар нафақат ўз ҳуқуқларингизни, балки жаҳон ҳуқуқ нормаларини ҳам билишларингиз лозим бўлади. Бу даврнинг талаби.

Анжуманда талабалар билан юзма-юз мулоқотда бўлган «Ҳаёт ва қонун» журнали ва «Инсон ва қонун» газетаси бош муҳаррири Ф.Қиличев, «Қонун ҳимоясида» журнали ва «Ҳуқуқ» газетаси бош муҳаррири А.Абдураззоқов ўз сўзларида ана шу фикрларга алоҳида урғу бердилар.

Анжуманда талабалар бош муҳаррирларга ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилдилар.

(Ўз мухбиримиз).

«Акциядорни ким ҳимоя қилади?»

«ҲУҚУҚ»
1998 йил, 28 октябр

«Ҳуқуқ» газетасининг 1998 йил 28 октябрь сонида чоп этилган «Акциядорни ким ҳимоя қилади?» номли танқидий мақола юзасидан текшириш ўтказилди.

Текширишда мақолада ёритилган «Тошсаноатфуқарокурилиш» очиқ турдаги акциядорлик жамияти фаолиятидаги қонунбузарлик ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлар асосан тасдиқланган.

Жумладан, ушбу жамият фаолиятида тўлов интизомига риоя этилмаганлиги оқибатида 1998 йил 1 ноябрь ҳолатига хўжаликнинг дебиторлик қарзлари 63,2 млн. сўмга, кредиторлик қарзлари эса 68,4 млн. сўмга ошиб кетган. Шундан, 21,6 млн. сўмлик дебиторлик ва 44,8 млн. сўмлик кредиторлик қарзларининг муддати ўтказиб юборилган.

Жамиятнинг собиқ ва ҳозирги раҳбарияти томонидан бу қарзларни ўз вақтида ундириб олиш борасида бирон-бир амалий чоралар кўрилмаган. Ушбу қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан айбдор мансабдор шахсларнинг жавобгарлик масаласи кўриб чиқилмаган.

Ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи ҳисобидан жамиятнинг 14,3 млн. сўм қарзи мавжуд бўлиб, бир қатор ходимларга 1997 йилдан бери маош берилмаган.

Давлат улушига тегишли ва эркин савдога мўлжалланган акцияларни жамият эмиссия рисоласида белгиланган тартибда чиқариш ва жойлаштирилиши таъмин этилмаган.

Жамиятнинг умумий йиғилишини чақириш ва акциядорларнинг реестрини юритиш тартиби қўпол равишда бузилиши оқибатида собиқ бошқарув раиси Б.Носиров томонидан умумий йиғилиш ўтказилгандан кейин сотиб олинган 11,9 минг дона акцияларга қонунга зид равишда 1,3 млн. сўм дивиденд тўланган.

Акциядорлик жамиятининг жамоа улуши учун ажратилган акция пакетидан 2,3 млн. сўмлик 15,4 минг донаси ёки 34,9 фоизи шахсан Б.Носиров томонидан сотиб олинган. Бир шахс томонидан жами сотиб олинган акциялар миқдори 35 фоиздан ошмаса монополияга қарши кураш идораларидан махсус рухсат олиниши талаб этилмайди.

Аниқланишича, жамоа аъзоларига ажратилган 3,6 млн. сўмлик 15,6 минг дона акциялар 1996 йил 30 январда «Бизнесинвест» брокерлик фирмаси орқали айланма маблағлар ҳисобидан сотиб олинган. Бугунги кунга келиб ушбу акцияларнинг барчаси жойлаштирилиб, жамиятнинг 3,6 млн. сўмлик айланма маблағлари ўз ўрнига тикланган.

Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан текшириш натижалари бўйича Б.Носировга дивиденд тариқасида нотўғри тўланган 1,6 млн. сўмлик пул маблағларини ундириб олиш ҳақида хўжалик судига даъво аризаси киритилган.

Жамият фаолиятида йўл қўйилган тўлов интизомини қўпол равишда бузиш ҳамда ишчи ва хизматчилар меҳнатига ҳақ тўлаш кафолатларига риоя этмаслик ҳолатлари бўйича тўпланган текшириш ҳужжатлари ушбу корхонанинг мансабдор шахсларига нисбатан М.Улуғбек тумани прокуратурасида тергов қилинаётган жиноят ишига қўшиб, текшириш учун юборилган.

Ҳ.МАҲМУДОВ,
Республика прокуратураси умумий назорат бошқармасининг бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси.

• *Мактуб*

Биз ёшларни руҳлантириб юборди

Ассалому алайкум ҳурматли «Ҳуқуқ» газетасининг муҳарририяти! Мен Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон телерадиокомпанияси раиси саволларига берган жавобини севимли газетам «Ҳуқуқ»да зўр қизиқиш билан ўқидим ва ғоят таъсирландим.

Айниқса, Президентимизнинг демократик давлат тузиш учун уч нарса мезон бўлиши керак, деган гаплари менга жуда ёқди, келажагимиз янада яхшироқ бўлишига ишонч уйғотди. Давлатимиз раҳбари бу гаплари билан ўзбек халқига ишончи чексиз эканлигини исботлаган. Айни пайтда халқни мунозарага, бир чеккада турмасликка, қарорларни ўрганиб, уни қандай амалга ошаётгани билан қизиқишга ундайди. Президентимизнинг барча жойларда инсофли, диёнатли, тажрибали раҳбар бошчилик қилмас экан, ишларимиз кўнгилдагидек бўлмайди, деган хулосасини ишбошиларимиз ўзларига шиор қилиб олишлари керак, деб ўйлайман.

Ҳурматли Президентимизнинг, демократик давлат тузиш учун ёшлардан сиёсий демократик партия тузиш керак деган даъватлари ёшларни руҳлантириб юборди, шахсан мени ҳам.

Ёшим 23 да, икки фарзанднинг онасиман. Фидокор ёшлар партиясига аъзо бўлишни жуда-жуда хоҳлардим, лекин маълумотим ўрта, бунинг иложи йўқ. Ёшлигимда ҳуқуқшунос бўламан, деб орзу қилардим. Оилавий шароит тўғри келмади.

Кечдан кўра, кеч деганларидек, турмуш ўртоғимга ҳеч бўлмаса юридик коллежга ўқишга кириб ўқий, деб илтимос қилдим, унамадилар. «Болаларингни боқайми, сани ўқитайми?» - дедилар. Ўшанда худодан бой бўлишни сўраган эдим, энди билсам, одамзот маънавий бой бўлиши керак экан.

Турмуш ўртоғим: «Сен ҳақгўйсан, лекин хушомад қилишни ҳам ўргансанг ёмон бўлмайди», - дейдилар. Агар мен Президентимиз айтган ёшлар партиясига аъзо бўлсам, бир умр ҳақгўй бўлишга, давлатимизнинг ривожланишига озгина бўлса-да ўз ҳиссамни қўшишга интилар эдим. Менга ўхшаш тенгдошларим кўп, лекин улар дилидаги гапларини ёзиб юбормагандир, мен эса ёзяпман.

Ҳурматли таҳририят, қандай қилсам, нима қилсам ўз орзуимга етаман? «Ҳуқуқ», «Постда» газеталарини сотиб оламан, улардан анчагина, йўқ, кўпроқ нарсани ўргандим, десам янглишмасам керак.

... Автобусларда кексалар Президентимиз юритаётган одил сиёсатни алқаб, тинчлик, омонлик тилашганларида юрагим орзиқиб кетади. Юртимизда фидойи, қалби тоза инсонлар кўпайишини худодан сўраб қоламан.

«Ҳуқуқ» газетасининг мухлисаси Наргиза ҚУРБОНОВА.

«Ҳуқуқ»ка жавоб берадилар

ИККИ ҲОКИМЛИККА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ

«Ҳуқуқ» рўзномасининг 1998 йил 28 октябр сонида чоп этилган «Акциядорни ким ҳимоя қилади?» номли мақола Давлат мулк қўмитасида кўриб чиқилди. «Ўзсаноатқурилиш» корпорациясининг 1998 йил 20 майдаги 41-сонли буйруғига асосан «Тошсаноатқурилиш» акциядорлик жамияти бошқарув раиси ўз вазифасидан озод этилиб, шу жамиятда кузатув кенгаши раиси бўлган вакили кузатув кенгаши розилигисиз бошқарув раиси этиб тайинланган эди.

Акционерлик жамиятида рўй берган иккиҳокимликни бартараф этиш мақсадида 1998 йил 27 октябрда жамият кузатув кенгаши мажлисида қатнашиш учун Тошкент шаҳар ҳудудий бошқарма бошлиғи муовини юборилди. Ушбу мажлиснинг қарорига кўра, 1998 йил 12 ноябрда ўтказиладиган акционерларнинг навбатдан ташқари йиғилишига қадар кузатув кенгаши раисига бошқарув раиси вазифасини бажариб туриш топширилди. 1998 йил 12 ноябрда акционерларнинг умумий йиғилиши бўлиб ўтиши керак эди, лекин йиғилишда кворум (59,45) бўлмаганлиги учун мажлис 18 ноябрга қолдирилди.

1998 йил 18 ноябрда навбатдан ташқари умумий мажлис ўтказилди ва унда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитасининг бошқарма бошлиғи С.Абдуллаев, Тошкент шаҳар бошқарма бошлиғининг муовини Б.Ражабов, «Ўзсаноатқурилиш» вакили Р.Кузнецова, Мирзо Улуғбек туман ҳокимияти вакиллари К.Юсупов, А.Ҳошимжонов иштирок этдилар.

Мажлис қарорига биноан, акционерлик жамияти бошқарувининг раислигига Ҳ.Тожиматов сайланди.

Т.ТЎХТАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раисининг муовини.



Бўлғуси ҳуқуқшунослар амалий машғулот ўтказмоқдалар.

• *Олий Мажлис сессияси олдидан*

АДВОКАТЛИК - МАНСАБ ЭМАС. ЛЕКИН...

«Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳаси эълон қилинганидан буён матбуотда ушбу муҳим ҳужжатга кўплаб ҳуқуқшунослар, шунингдек, оддий фуқароларнинг ҳам фикр-мулоҳазалари бериб борилаяпти. Бошқа қонунлар лойиҳаларига нисбатан ушбу лойиҳа хусусида мулоҳазалар кўпроқ чоп этилаётганининг боиси - қабул қилиниши кутилаётган қонунга бўлган қизиқиш катта. Хўш, бунинг сабаби нимада?

Биз ушбу савол билан профессионал юрист, яъни узоқ йиллар мобайнида суд, прокуратура идораларида турли лавозимларда ишлаган, айни пайтда Тошкент вилояти адвокатлар уюшмаси аъзоси сифатида бевосита адвокатлик билан шуғулланаётган Ариф СОИФНАЗАРОВга мурожаат этдик.

эмас, давлат идораларига мурожаат этишади. Бунинг боиси нимада?

- Юқорида таъкидлаганимдек, биз ҳуқуқий давлат сари энди қадам қўяпмиз. Онгимизда ҳали эски тузум акидалари ҳукмрон. Аввалари бирон-бир жиддий масала юзага келса райкомга югурардик. Ҳозир эса ҳокимликларга. Иш бу идораларга алоқадор бўлмаса ҳам шундай қилинаяпти. Ва, мушкули ҳал бўлмаганлар беҳуда давлат идораларидан нолиб юришади.

-Бошқа идораларда ишлари ҳал бўлмагач...

- Ҳокимликларга боришади, демоқчисиз. Тўғри, шундай ҳоллар ҳам учраб туради. Аммо одамлар ҳар қандай вазиятда ҳам биринчи бўлиб адвокатга учрасалар фойдадан ҳоли бўлмайди. Чунки, адвокат доимо қонуний ва тўғри йўл кўрсатади. Лозим бўлса тегишли идораларга унинг ўзи учрашиб, мижози муаммосини унинг иштирокисиз ҳал қилиб бериши мумкин.

-Сиз бир неча йил бевосита прокуратура, суд идораларида ишлагансиз. Айни пайтда адвокатлик билан шуғулланаяпсиз. Айтингчи, судья, прокурор ва адвокатнинг суд жараёнидаги ўрни, роли ҳамда салмоғига қандай баҳо берасиз?

- Ҳар қандай жиноят иши ёки фуқаровий ишнинг кўрилишида сиз айтган уч ҳуқуқ вакилининг роли ва ўрни бир хил бўлиши керак. Яъни, масала охир-оқибатда қонуний ҳал этилиши лозим. Бунинг учун улардан бирортасига ортиқча ваколат ва кафолат берилмаган. Лекин, афсуски, баъзи ўринларда прокуратура ва суд вакилига нисбатан адвокатнинг ролига эътибор камроқ қаратилган. Масалан, прокурор норози бўлса - протест киритади. Адвокат эса шикоят-илтимоснома. Ҳеч бўлмаганда «адвокат эътирози» дейишганда ҳам анчагина таъсирли чиқарди.

Яна бир масала: адвокат ўз ҳимоясидаги вақтинча сақланаётган мижози билан фақат терговчи ёки судьянинг ижозати билангина учрашиши мумкин. Бу ҳам адвокат фаолиятининг чегараланишига олиб келади.

- Суд жараёнида кўпчилик ҳолларда судланувчи тергов пайтида берган кўргазмаларидан воз кечади. Бунинг сабаби - терговда адвокат бошданоёқ иштирок этмаганлигида эмасмикан?

- Асосий сабаблардан бири десак, янглишмаган бўламиз.

- Агар тергов қилинаётган шахс адвокатдан воз кечган бўлса-чи?

- Унинг «адвокатдан воз кечганлигини» ким исботлайди? Айни шунинг учун ҳам сўроқ берувчи адвокат иштирокида бундай ҳуқуқдан воз кечса ва буни адвокат ўз имзоси билан тасдиқлаши қоида сифатида жорий этилса. Акс ҳолда, юмшоқроқ қилиб айтадиган бўлсак «йигит айтадиям - қайтадиям» ҳолати юзага келаверади.

- Лойиҳанинг сизга энг мақбул моддаси ҳақида тўхталсангиз.

- 10-модда. Унда: «Адвокатнинг ҳаёти ва соғлиги давлат ҳимоясида бўлади», дейилган. Аввалги қонунда бундай кафолат йўқ эди.

- Таклиф ва мулоҳазаларингиз борми?

- Албатта. Масалан, 9-моддани иккинчи бандида: «Ушлаб турилган, айбланаётган, судланаётган ва ҳукм қилинган шахсга адвокат билан монеликсиз ва махфий учрашиш ҳамда маслаҳат олиш учун зарур шарт-шароит таъминланиши лозим», дейилган. Ушбу жумладаги «маслаҳат олиш учун» сўзларидан кейин «адвокат истаган пайтда ва алоҳида рухсатномa талаб этилмай», деб қўшиб қўйилса маъқул бўларди.

Шунингдек, 6-модда сўнги бандининг охиридаги «мумкин эмас» сўзи «таъқиқланади» деган таҳрирда берилса, эътибори янада ортган бўлурди.

Суҳбатни ҳуқуқшунос Дониёр ХАЛИЛОВ ёзиб олди.

- Саволингизга жавоб бериш учун аввало, адвокатнинг жамиятдаги ўрни ва роли масаласига алоҳида тўхтаб ўтмоқ лозим. Адвокат ўз хизмат вазифасига кўра мансабдор эмас, лекин унинг ўрнини ҳеч бир амал эгаси ёки идора раҳбари боса олмайди. Сабаблари эса талайгина. Масалан, ўзгаларнинг шахсий юмуши ёки бирон-бир идора ишлари билан бевосита шуғулланиш ҳуқуқи ва ваколати фақат адвокатларгагина берилган. Хоҳ жисмоний, хоҳ юридик шахснинг тегишли ишига доир сирлари ҳам адвокат учун очиқдир.

Лойиҳага бўлган қизиқишнинг яна бир сабаби - биз ҳуқуқий-демократик жамият қураяпмиз. Демак, қонун ҳар нарсадан устувор бўладиган жамият пойдеворини қўймоқдамиз. Бундай шароитда нафақат қонунни билиш, балки ўз ҳуқуқидан тўлиқ фойдаланишнинг аҳамияти катта. Бунда ҳам аҳолининг биринчи ёрдамчиси бўлиб адвокат майдонга чиқади.

- Фикрларингизга эътироз билдирмаган ҳолда шуни айтмоқчимизки, айни пайтда баъзи чигал вазиятга тушиб қолганлар кўпинча адвокатга

Юсуп Раҳмонович РАҲМОНОВ



Ўзбекистон Республика Прокуратураси оғир жудоликка учради.

Бевақт ўлим тажрибали прокуратура ходими, олижаноб инсон Юсуп Раҳмоновни орамиздан олиб кетди.

Юсуп Раҳмонович РАҲМОНОВ 1941 йилда Хоразм вилояти Хазорасп туманида туғилган. 1969 йилда Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлагач, прокуратура идораларида ўз фаолиятини иш ўрганувчиликдан бошлаб, Хоразм вилоят прокуратураси тергов бўлими прокурори, бўлим бошлиғи, туман прокурори, вилоят прокурорининг ўринбосари, вилоят прокурори, Республика прокурорининг биринчи ўринбосари вазифасигача меҳнат йўлини босиб ўтган, 1990 йил июль ойидан ҳозиргача Хоразм вилоят прокурори лавозимида ишлаб келаётган эди.

Юсуп Раҳмонов қаерда, қайси лавозимда ишламасин, ўзига топширилган вазифани сидқидилдан, аъло даражада бажариб, прокуратура ходимларининг ҳақиқий ҳурматини қозонган эди.

Юсуп Раҳмонов ўз хизмат вазифасини виждонан ва намунали бажаргани учун бир неча марта рағбатлантирилган.

Унга 1990 йил 28 март куни 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси махсус унвони берилган;

1991 йил январ ойидан эса прокуратура идораларининг фахрий ходими эди.

Юсуп Раҳмоновнинг кўп йиллик самарали меҳнатлари инобатга олиниб, республика Президентининг 1997 йил 27 август кунги Фармонига асосан у «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист» фахрий унвони билан тақдирланган эди.

Юсуп Раҳмонов ўзининг бой билим ва тажрибасини ёшларга сидқидилдан ўргатиб, жуда кўп прокуратура ходимларига устозлик қилди.

Унинг сафдошлари, шогирдлари ва фарзандлари Юсуп Раҳмоновнинг ишини муваффақиятли давом эттирадилар, деб ишонамиз.

Ҳақиқий инсон, содиқ дўст, меҳрибон ота ва меҳридарё устоз Юсуп Раҳмоновнинг порлоқ хотираси унинг дўстлари, касбдошлари ва шогирдлари қалбида абадий сақланади.

БИР ГУРУҲ ДЎСТЛАРИ.

• *Янгилик*

Янги иморатга кўчиб ўтдилар

Нукус тумани прокуратураси ходимлари барча қулайликларга эга бўлган замонавий бинога кўчиб ўтдилар. Шарқона меъморчилик санъати намунаси андозасида қурилган бу муҳташам иморатни «Қорақалпокресагрокурилиш» бошқармасига қарашли «Қишлоқ уй-жой қуриш комбинати» ҳиссадорлик жамияти қурувчилари бунёд этдилар.

- Мазкур бинони жуда қисқа муддат - 8 ой ичида қуриб, фойдаланишга топширишга муваффақ бўлдик, - дейди қурилиш комбинати раҳбари Турғанбой Болтаев.

Туман маркази - Оқманғит шаҳарчасида янги бинонинг очилишига бағишланган тантана бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон республикаси Жоқарғи Кенеси раиси Темур Камолов, Республика Вазирлар Кенгаши раиси Аминбой Тожиев, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори Ҳакимбой Ҳалимов қатнашиб, қурувчиларга миннатдорчилик билдирдилар. Тантанада республика вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, барча туманларининг ҳокимлари иштирок этдилар.

(ўз мухбиримиз).

• *Прокуратура фаолияти хроникаси*

Сирдарё вилоят прокуратураси тезкор ходимларининг навбатдаги ўқув машғулотида Олий Мажлиснинг 12-сессиясида биринчи ўқишда қабул қилиниб, умумхалқ муҳокамасига қўйилган «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Лойиҳа юзасидан вилоят прокурорининг судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўйича катта ёрдамчиси З.Жўрабоев маъруза қилди. Сўнгра вилоят прокуратурасининг соҳавий тармоқ раҳбарлари ва бошқа тезкор ходимлар қонун лойиҳасининг адвокатнинг ваколатлари, адвокатнинг мустақиллиги, адвокатлик фаолиятига аралашишга йўл қўйилмаслиги, адвокатлик фаолияти муҳофаза қилинишини таъминлаш белгиланган 4-8-моддалари юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Лойиҳа муҳокамасида айтилган барча таклиф ва мулоҳазалар жамланиб, Олий Мажлиснинг қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасига тақдим этилди.

***

Вилоят прокуратурасида мамлакат Конституциясининг 6 йиллигига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда вилоят прокуратураси, адлия, суд, ички ишлар ва бошқа ҳуқуқ-тартибот идораларининг масъул ходимлари, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Семинар-кенгашда Республика Конституциявий суди раисининг ўринбосари Б.Мирбобоев ва Республика Фанлар Академияси фалсафа ва ҳуқуқ институти бўлимининг бошлиғи Р.Рўзиев мамлакат Конституциясининг мазмуни, моҳияти ва аҳамияти ҳақида маъруза қилдилар.

***

Меҳнатобод туманида туман прокурори Кўчқор Fозиев ташаббуси билан Республика Президенти Ислом Каримовнинг тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, марҳумларнинг хотираларига бағишланган тадбирларни тартибга солиш тўғрисидаги фармони билан боғлиқ бўлган учрашув ўтказилди. Унда туман суди, ички ишлар бўлими ва бошқа ҳуқуқ-тартибот идораларининг ходимлари, маҳалла оқсоқоллари қатнашдилар. Тадбир иштирокчилари фармонни тўла маъқуллаб, уни амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар белгиладилар.

Шукрулло НОРЖИГИТОВ,
Сирдарё вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси.

ТАКЛИФ

Муҳтарам бош муҳаррир!

Президентимизнинг Самарқанд ва Навоий вилоятлари халқ депутатлари кенгашининг сессияларида сўзлаган нутқлари ва Ўзбекистон телерадиокомпанияси раиси билан суҳбатида билдирган фикрлари асосида раҳбар ходимлар содир этаётган нуқсонлар ва жиноятларни бартараф этишга қаратилган мазкур ТАКЛИФимни газетангиз орқали кенг жамоатчилик муҳокамасига ҳавола қилмоқчиман.

ТАКЛИФда қайд этилган МЕХАНИЗМ ёрдамида жамоатчиликка таянган ҳолда жиноятчиликка зарба берилиши ва ижтимоий адолатга эришилиши мумкинлигини 17 йил раҳбар лавозимида ишлаб орттирган тажрибам асосида исботлашга ҳаракат қилдим.

Конституциямизнинг 32-моддасида «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда ...иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар» ва 35-моддасида «Ҳар бир шахс... ваколатли давлат органларига... таклиф билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга», деб ёзилганига кўра, Президентимизнинг нуқсонларга қарши курашдаги саъй-ҳаракатларига кўмаклашиш мақсадида ушбу ТАКЛИФни тақдим этдим.

«...нуқсонларга қарши Президент ва ҳукуматгина эмас, балки барча ҳалол кишилар, юртимизнинг ҳақиқий ватанпарварлари, фидойилари, кенг жамоатчилик доимий равишда кураш олиб бориши зарур».

/1998 йил 23 июль куни Вазирлар Маҳкамаси мажлисида Президентнинг сўзлаган нутқидан./

Кенг кўламда содир этилаётган иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар статистика маълумотларидан ва матбуотдан хабар топилганлари, шунингдек, Президентимизнинг Самарқанд, Қашқадарё ва бошқа вилоятлар халқ депутатлари кенгашлари сессияларида, телевидение орқали чиқишларида айтиб ўтилган раҳбар ходимлар томонидан содир этилган жиноятлар - булар «айсберг»нинг кўринган қисми, кўринмаган қисми эса мамлакат миқёсида янада хавфли. ТАКЛИФимнинг моҳияти ана шу яширилган, фош этиш ва исбот қилиш ҳар томонлама қийин бўлган иқтисодиётга оид жиноятларни МЕХАНИЗМ ёрдамида ошкор этиш, чора кўриш, зарбага учратиш ва ижтимоий адолатни барқарорлаштиришдир.

ТАКЛИФ 4 қисм 14 банддан иборат.

I ҚИСМ. Раҳбар ходимларнинг жуда катта миқдордаги маблағлари қонуний ёки ноқонунийлигини аниқлайдиган механизм. (Бундан буён матнда механизм деб юритилади).

1- банд. Олий Мажлиснинг «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида»ги 1997 йил 24 апрелдаги қарорининг 5-бандида «2002 йилдан эътиборан, даромадлар олиш манбаидан қатъи назар, барча жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадини декларациялаш тизими жорий этилиши назарда тутилсин», дейилган ҳукумат тадбири - Даромад декларацияси Механизмнинг таркибий қисми қилиб олинади. Даромадларни декларациялашни 1999 йилдан амалга киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

2- банд. Раҳбар ходимлар харажатларининг (сотиб олинган янги автомобиллари, қураётган ва қурган ҳовли-жойлари, мерос бўлиб ўтган мулклари, қимматли қоғозлари, хусусийлаштириб олган объектлари ва шу кабилар) декларацияланиши мулк декларацияси деб юритилади. Мулкни давлат ташкилотларида рўйхатга олиш пайтида, расмийлаштиришдаги нархи мулк декларациясида кўрсатилган бўлади.

3-банд. Мулк декларацияси суммасидан даромад декларацияси суммасининг айирмаси механизмнинг ҳосиласи - ноқонуний даромаддир. (Бундан буён матнда асоссиз, норасмий, яширилган, меҳнатсиз, нопок, ҳаром даромадлар - НОҚОНУНИЙ ДАРОМАД деб юритилади).

4-банд. Раҳбар ходимларнинг мол-мулклари оила аъзолари номига расмийлаштирилган бўлса, механизм кўлланганда ноқонуний даромад қайд этилмаслиги мумкин. Шунинг учун оила аъзоларига ҳам механизм кўлланиши керак.

II ҚИСМ. Механизмни қонун нормаларига мувофиқлаштириш.

1-банд. ТАКЛИФда назарда тутилган механизм республикамиз қонунларига, норматив ҳужжатларга, халқаро шартномалар ва мажбуриятларга, раҳбарларнинг конституциявий, инсоний ва фуқаровий ҳақ-ҳуқуқларига зид эмас.

2-банд. Механизмни ваколатли давлат органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун нормаларига мувофиқлаштирилганидан сўнг амалга киритиш мумкин.

3-банд. Механизм ёрдамида яширилганлиги ошкор этилган ноқонуний даромадлар билан Солиқ кодексининг 135-моддаси 3-бандида белгиланган жазо ўртасидаги боғланишни қонун нормаларига мувофиқлаштириш лозим. (*3-банд: «даромад яширилган тақдирда солиқ тўловчидан яширилган даромаднинг бутун суммаси ва яна шунча сумма миқдорида жарима ундирилади».*)

4-банд. Барча соҳадаги раҳбар ходимларни аттестациядан ўтказишда механизм кўлланишининг шартлиги қонун билан белгиланиши керак.

III ҚИСМ. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятчиликка зарба беришда МЕХАНИЗМнинг роли.

1-банд. Ноқонуний даромадлар негизида Жиноят кодексида назарда тутилган иқтисодиётга оид жиноятлар - порахўрлик, таъмагирлик, ўзлаштириш, давлат мулкини талон-тарож қилиш, мансабни суиистеъмол қилиш каби, кўпинча раҳбар ходимлар томонидан содир этиладиган жиноятлар ётади. Жиноят ва ноқонуний даромад бир-бирига боғлиқ эканлиги ўз-ўзидан равшан, исботга муҳтож бўлмаган ҳақиқат, яъни аксиомадир.

Шунинг учун ҳам ноқонуний даромадга қарши механизм ёрдамида кураш жиноятчиликка қарши кураш демакдир.

2-банд. Ноқонуний даромадларни аниқлаб берадиган МЕХАНИЗМ қонун асосида жорий этилган тақдирда, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларни бартараф этиш учун муҳит яратилади, чунончи:

- раҳбар ходимлар ноқонуний даромадлари ошкор бўлиши натижасида эгаллаб турган лавозимидан айрилиб қолмаслиги учун жиноят содир этишдан олдин етти ўйлаб бир кесишади;

- қўлга тушмаган ўғри ўғри эмас, деб тасаввур қилишлар ўринсиз бўлиб қолади. Шу пайтгача ноқонуний йўллар билан топилган мол-мулкни кўз-кўз қилган шахснинг механизм кўлланганидан кейин, ноқонуний даромад учун жавоб беришига тўғри келади;

- ноқонуний даромад эвазига топилган мол-мулкларни ҳийла-найранг билан бошқалар номига расмийлаштирилиши ноўрин бўлиб қолади, чунки номига расмийлаштирилган оила аъзоларига ҳам механизм кўлланилади;

- механизм тадбири туфайли раҳбар ходимларнинг ноқонуний даромадлари билан бирга, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг камайиши табиийдир.

3-банд. Ноқонуний даромадларга эга бўлган раҳбар ходимлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддасида қайд этилган айбсизлик презумпциясидан таскин топишиб, кўрқмасдан иш кўришмоқда. Аммо, механизм ошкор этган, яширилган ноқонуний даромадлар учун Солиқ кодексининг 135-моддаси 3-банди билан жуда катта миқдорда жарима солинади. Агарда даромад ноқонуний бўлса, Жиноят кодексида назарда тутилган жавобгарликка тортилиши керак. Маъмурий жазо кўлланса, раҳбар ходим эгаллаб турган лавозимидан бўшатилиши керак.

Шундагина Қонун жиноятдан устун чиқади.

IV ҚИСМ. МЕХАНИЗМ ижтимоий адолатни барқарорлаштириш омилидир.

1-банд. Жамият учун механизмнинг зарурлиги, давр талабига жавоб бериши ва ижтимоий адолатни барқарорлаштириш омили қўйидагилардан иборат:

- бойлар ва камбағаллар ўртасидаги тафовут камаяди;

- яширилгани ошкор бўлган даромадлар солиққа тортилиб, бюджетга тушган кўшимча (йилига бир неча миллиард сўм) маблағ ҳисобига аҳолининг ижтимоий эҳтиёжлари қондирилади;

- раҳбар ходимлар эҳтиёжлари доирасида, расмий даромадлари ҳисобига яшашларига тўғри келади;

- ноқонуний даромад учун жазо муқарраплиги раҳбар ходимлар мафкурасига ижобий таъсир кўрсатади;

- эҳтиёждан ортиқча ҳашаматли уй-жойлар қурилиши камаяди, янги, қимматбаҳо автомобилларни миниб юрган янги бойваччалар сони қисқаради, тўй-маъракалар тартибга тушади.

2-банд. Ноқонуний даромадларга эга бўлган раҳбар ходимлар жамиятимизда ижтимоий адолатнинг қарор топишидан манфаатдор эмасликлари, механизмнинг жорий этилишига қаршилик кўрсатишлари ва таклиф муаллифига хайрихоҳ бўлмасликлари табиийдир.

3-банд. Президентимизнинг 1998 йил 9 ноябрдаги маърузасида ҳозирги мафкураси паст раҳбарлар ўрнига бундан буён жамиятни янги сиёсий кучлар бошқариши тўғрисида айтганлари муносабати билан янги сиёсий кучлар учун мазкур механизм омил бўла олса керак.

Таклифни тақдим этувчи

М. БЕГМАТОВ,
Қашқадарё вилояти
Қарши шаҳрида яшовчи
пенсионер.

• Нуқтаи назар

СУДЬЯГА ҲАМ ЖАЗО БОРМИ?

«Ҳуқуқ» газетасининг 18 ноябрь сонида берилган О.Отажоновнинг «Низоли уй» мақоласини ўқиб, менда мунозарали бир савол туғилди.

Навоий шаҳар судининг (судьянинг фамилияси ёзилмаган) низоли уй ҳақидаги қарори шаҳар прокурорининг протестига асосан вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича ҳайъати томонидан бекор қилиниб, қайтадан кўришга юборилган. Васиятноманинг қалбакилигини ўтказилган экспертиза хулосаси тасдиқлайди. Шунга қарамай, Навоий шаҳар судьяси ғайриқонуний қарор чиқарган. Бу билан судья ичган қасамига ва ўз виждонига қарши иш юритган. Жиноят кодексининг 231-моддасида адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарган судьяларни жиноий жавобгарликка тортиш кўрсатилган. Жиноят кодексининг бу моддаси амалиётда узоқ вақтдан буён қўлланилмаяпти. Ахир, бу қонун хўжакўрсинга чиқарилмаган-ку! Агар қонун олдида ҳамма тенг бўлса, кассацион тартибда кўрилганда нима учун бу судьяга нисбатан ажрим чиқармаган?

Суд ҳақидаги қонунда, судьяларнинг масъулияти, жавобгарлиги белгилаб қўйилган. Вилоят судлари ва Республика Олий суди пленумида судлар томонидан мутлақо ҳукми, қарор ёки ажрими бекор қилинган судьяларга нисбатан жазо чораларини қўллаб бориши ва бу маълумотларнинг матбуотда ошкор этилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

Малака комиссиялари қуруқ савлатга айланиб қолмасликлари керак. Олий суд, Адлия вазирлиги раҳбарлари судьяларнинг яроқсиз иш услубига нисбатан таъсирчан чораларни қўллашлари зарур.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумида У. Мингбоевнинг суд ҳукми ҳақидаги маърузасида бир мисол келтирилган эди. Навоий вилоят суди судьяси «онасини ўлдирганликда айбланган бир бегуноҳ инсонни жиноий жавобгарликка тортиш иши бўйича оқлов ҳукми чиқарган. Олий суд бу ҳукмни тўғри, деб топган». Афсуски, бундай мисоллар ягона эмас. Хўш, шундай экан, бу каби ишларни тергов қилган терговчилар, қамоққа олишга санкция берган ва айблов хулосасини тасдиқлаган прокурорлар, ҳукм чиқарган судьялар нима учун жазосиз қолди? Бугунги кунда қонун барчага баробар экан, бу саволларга қонунга таяниб жавоб излашимиз керак.

Ғаффор ХАЛИЛОВ,
ҳуқуқшунос.

• Луқма

ГИЁВАНДЛИКМИ, ГИЁҲВАНДЛИК?

Одамзотни не-не бало-казоларга гирифтор этаётган бир офат тўғрисида газета ва журналларда тез-тез мақолалар бериб борилмоқда. Ойнаи жаҳонда ва радио орқали кўп гапирилади. Бу табиий, албатта. Бироқ мени бир нарса ажаблантиради. Кимдир «гиёвандлик» деб ёзса, бошқа биров «гиёҳвандлик» деб атайди. Оғзаки нутқда ҳам худди шу аҳвол.

Менимча, ушбу ҳуқуқий атамани «гиёвандлик» тарзида қўллаш лозим. Чунки гиёҳвандликнинг ўзаги бўлган гиёҳ сўзини биз одатда доривор ўсимликлар маъносида тушунамиз. Қолаверса, Жиноят кодексида ҳам бу атама гиёвандлик шаклида ёзилган.

Ҳар қалай, бу борада қатъий бир тўхтамга келганимиз маъқул.

Хўш, тилшунос ва ҳуқуқшунос олимларимиз қандай фикрдалар?

Қурбон ЖУРАНАЗАРОВ,
журналист.



1 саҳифа

Ҳуқуқий маслаҳатхона

Мен биринчи турмуш ўртоғим билан ажрашганман. Икки фарзандимиз бор эди. Мен иккинчи марта уйландим. Хозир беш нафар фарзандимиз бор.

«Оила кодекси»да янги ҳолатлар белгиланганлиги эшитдим. Масалан, алимент тўлаш тўғрисида ҳам ўзгаришлар бор экан. Янги кодекс ва муваффиқ мен олдинги икки фарзандим учун алимент тўлашим мумкинми ёки йўқми?

Ўзбекистон ССР Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани.

Бу саволга Республика Прокуратурасининг бўлим бошлиғи, «Ҳуқуқ» газетасининг шарҳловчиси Ислом ЖАСИМОВ жавоб беради.

Хатдан маълум бўлишича, Х. Азимов биринчи оиласидан ажрашган. Икки нафар вояга етмаган фарзанди собиқ турмуш ўртоғи қарамоғида қолган.

Кейинчалик иккинчи марта оила қурган. Бу оиласида беш нафар вояга етмаган фарзанди бор.

Муаллиф янги Оила кодексида унинг оилавий аҳволини ҳисобга олган ҳолда, алимент тўлашдан озод қилиш кўзда тутилганми, деб сўрамоқчи.

Оила кодексининг 96-моддасига биноан ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериши шарт.

Ушбу кодекснинг 99-моддасига кўра, агар вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, уларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан ота ёки онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва бошқа даромадининг бир бола учун тўртдан бир қисми, икки бола учун учдан бир қисми, уч ва ундан ортиқ бола учун ярмиси миқдорида ундирилади. Бу тўловларнинг миқдори тарафларнинг моддий ёки оилавий аҳволини ва бошқа эътиборга лойиқ ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда суд томонидан камайтирилиши мумкин.

Алимент тўлаётган ота-онанинг бошқа вояга етмаган болалари бўлиб, ундан қонунда белгиланган тартибда алимент ундирилганда ўша болалар алимент олаётган болаларга нисбатан моддий жиҳатдан камроқ таъминланиб қолаётган бўлса, ёки алимент олаётган шахс мустақил даромадга эга бўлган тақдирда алимент миқдори суд томонидан камайтирилиши мумкинлиги Кодекснинг 105-моддасида белгилаб қўйилган.

Шу модданинг 2-қисмига асосан агар, вояга етмаган бола давлат ёки нодавлат муассасаларининг тўлиқ таъминотида бўлса, суд алимент тўлаётган ота ёки онанинг моддий аҳволини ҳисобга олиб, тўланаётган алимент миқдорини камайтириши ёки уни алимент тўлашдан озод қилиши мумкин.

Юқоридагиларга кўра, фуқаро Х.Азимов Оила кодексининг 105-моддаси асосида тўланаётган алимент миқдорини камайтириш ҳақида умумий тартибда алимент олаётган шахснинг яшаш жойидаги судга ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Биз газетамиз саҳифаларида доимий равишда бериб борилаётган «Ҳуқуқий маслаҳатхона» рукни доирасини кенгайтириб, алоҳида саҳифа сифатида ҳафталигимиз билан яқиндан ҳамкорлик қилаётган энг тажрибали, малакали ҳуқуқшунослар иштирокида тайёрлашга жазм этдик.

Ушбу саҳифамизнинг қизиқарли, мавзулар кўламининг ранг-баранг бўлиши аввало, Сиз муштарийларимизга ҳам боғлиқ. Бунинг учун ўзингизни қизиқтирган саволларни таҳририятимизга йўллашингиз кифоя.

Мактубларингизга мунтазирмиз.

• *Прокурор протест келтиради*

ҚОНУН ТАЛАБЛАРИ БУЗИЛМАСИН

1993 йилнинг 27 октябрида фуқаро Зайнаб Ёқубова Узун туман судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Тўрақул Норқулов билан турмуш қурганлигини ва ундан 2 нафар фарзанд кўрганлигини, 1993 йил 27 августида эса, ўрталаридаги никоҳ туман суди томонидан бекор қилинганлигини, шу сабабли биргаликда яшаган вақтларида қуриб битказилган 4 хонали уй-жойни бўлиб берилишини сўраган.

Узун туман суди 1993 йил 18 декабрдаги ҳал қилув қарори билан даъвони қаноатлантириб, уйни тарафларнинг никоҳ даврида бўлган биргаликдаги мулки деб топган ва тенг иккига бўлган.

Ушбу қарор Сурхондарё вилоят суди Раёсатида кўриб чиқилиб, 1994 йил 14 июлда бекор қилинган ҳамда фуқаролик иши янгидан кўрилиши учун Денов туман судига юборилган.

Денов туман суди мазкур фуқаролик ишини кўриб чиқиб, З. Ёқубованинг даъвосини қисман қаноатлантирган, яъни жавобгар Т.Норқуловга Узун туман Б. Омонов номли жамоа хўжалигининг «Янги шаҳар» қишлоғида жойлашган 19346 сўмлик уй-жойни қолдириб, шу уйнинг қийматидан Ёқубова фойдасига Норқуловдан 15000 (ўн беш минг) сўм ундириб берилиши ҳақида 1995 йил 24 май куни ҳал қилув қарори қабул қилган.

Денов туман судининг ушбу қарори қуйидаги асосларга кўра, бекор қилиниши лозим:

Иш материалларига қараганда, даъвогар З. Ёқубованинг ўз фарзандлари билан яшаётган уй-жойи кимга тегишлилиги ҳамда Ёқубованинг номида бошқа уй-жой бор ёки йўқлиги суд томонидан текширилмаган.

Даъвогар Ёқубова номига 100 дона шифер (жами 7300 сўмлик), 10 куб. метр ёғоч (жами 54000 сўмлик) берилганлиги ҳақида Узун туман Матлубот жамияти тақдим этган 1992 йил 7 августдаги 6-сонли хулоса хати ва Сариосиё ХР-УКК-ХЖС томонидан Ёқубовага уй-жой қурилиши учун 1990 йил апрел ойида 100 дона шифер ҳамда бошқа турли қурилиш моллари олганлиги ҳақида 1991 йил 20 августда берилган 20-сонли маълумотнома умуман эътиборга олинмаган ва ҳал қилув қарорида кўрсатилмаган.

Суд ишдаги мавжуд далилий ҳужжатларда кўрсатилган қурилиш молларининг умумий нархини ҳисоблаб чиқмаган, уй-жойнинг қонуний тегишли қисмини натура ёки қиймат шаклида тенг тақсимламай, даъвогарга 15000 сўм белгилаш билан чегараланган.

Суд ишини кўриш жараёнида умумий уй-жой, деб даъво қилинган ҳовли-уй суд қурилиш экспертизасини ўтказиш билан ва унинг хулосасига кўра, уйнинг ҳар бир хонаси қийматини аниқлаб, иккала томон учун кириш-чиқиш, зарурий жойлар (ошхона, ҳаммом, хожатхона) дан фойдаланиш тартибини белгилаши, шунингдек, уй-жойни тенг тақсимлаши лозим эди. Бироқ, суд уй-жойни техник рўйхатдан ўтказиш бюросининг 1995 йил 25 апрелдаги 131-сонли ҳамда 1 майдаги 134-сонли хулосалари билан кифояланиб, нотўғри тўхтамга келган.

Суд жараёнида низоли уйнинг (ер режасида кўрсатилган) Б ва В литеридаги қурилмалари ҳам эътиборга олинмаган. Шу сабабли, «Никоҳ ва оила» кодексининг 27-моддаси талаблари бажарилмай қолган.

Эндиликда бу масалани суд қурилиш экспертизасининг хулосасидан келиб чиққан ҳолда ҳал этиш билан бирга, иккита вояга етмаган фарзанд ҳам инобатга олиниши лозим.

Даъвогар Ёқубова аризасида никоҳлик давридаги уй-жойнинг 4 хонасини ўзи ва икки нафар вояга етмаган фарзандини инобатга олган ҳолда натура шаклида тақсимлаб берилишини сўрар экан, туман судининг 1995 йил 24 майдаги ҳал қилув қарорини бекор қилмай туриб, кўрсатиб ўтилган барча камчиликларни бартараф этиб бўлмайди.

Шу муносабат билан Денов туман судининг 1995 йил 24 майдаги ушбу иш юзасидан қабул қилган ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва иш материалларини янгидан кўриш учун судга юбориш тўғрисида прокурор протести келтирилди.

Шуҳрат ИКРОМОВ,
Республика прокуратурасининг бўлим прокурори.



Навоий вилояти ИИБнинг маънавият хонаси ҳамиша ходимлар билан гавжум.

Уйни ёки фуқароларнинг ҳужумларини тинтув қилиш тартиби қонунда қанақа белгиланган?

Б.Кувондиков, Навоий вилояти.

Тинтув - хизмат, ишлаб чиқариш биносида ёки ўзга жойда ёхуд бирор шахсда жиноят иши учун аҳамиятли бўлган нарса ёки ҳужжатлар бор деб ўйлаш учун етарли маълумотга эга бўлган тақдирда ўтказиладиган процессуал ҳаракатдир.

Тинтув суриштирувчи ёки терговчининг асослантирилган қарорига биноан, прокурорнинг санкциясига асосан ёхуд суднинг ажримига кўра ўтказилади. Қарор (ажрим)да бу ҳаракатлар қаерда, кимникида ўтказилиши зарурлиги, қайси нарса ёки ҳужжатларнинг қидириб топилиши ва олиб қўйилиши лозимлиги кўрсатилган бўлади. Суриштирувчи ёки терговчи тинтув ўтказишга киришишдан аввал тинтув ўтказилаётган шахсни қарор ёки ажрим билан таништириб, имзо қўйдиради.

Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда тинтув прокурор санкциясисиз ҳам ўтказилиши мумкин, лекин йигирма тўрт соат ичида ўтказилган тинтув ҳақида прокурорга хабар қилиниши керак.

Ушбу ҳаракат ўтказилишида холислар иштирок этади, зарур ҳолларда эса мутахассис ва таржимон жалб қилинади.

Агар тинтув уйда ўтказилаётган бўлса, уй эгалари ёки уларнинг вояга етган оила аъзоларидан бири иштирок этиши керак. Башарти уларнинг иштирок этишини таъминлашга имкон бўлмаганда, тегишли ҳокимлик ёки ўзини-ўзи бошқариш органининг вакили таклиф қилинади.

Ҳурматли таҳририят!

Сизга мурожаат қилишимнинг боиси, турмуш ўртоғим Умматов Жиноят кодексининг 273-моддаси 3-қисми «Б» ва «Д» бандлари билан айбланиб, 10 йилга озодликдан маҳрум қилинган эди.

Хозир турмуш ўртоғимнинг қолган муҳлати 3 йилу 7 ой. Унинг жазоси енгилига алмаштирилиб, манзил колониясига ўтказилган.

Турмуш ўртоғим яна қанча муҳлатдан кейин аҳлоқ тузатиш ишига жалб қилиниши ва муддатидан олдин шартли равишда озод этилиши мумкин?

Жазонинг қолган қисмини муддатидан илгари аҳлоқ тузатиш ишига алмаштириш қонунда борми?

Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри. Ф. Раҳмонова.

Турмуш ўртоғингиз содир қилган жиноят қасддан содир этилган оғир жиноятлар тоифасига киради. Умматовни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш суд томонидан тайинланган жазо муддатининг камида учдан икки қисмини ўтгандан сўнг, жазони енгилроғи билан алмаштириш, яъни озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмаган қисмини аҳлоқ тузатиш ишлари билан алмаштириш эса суд тайинлаган жазо муддатининг камида ярмини ўтаганидан сўнг амалга оширилади.

А. ҲАМРОҚУЛОВ,
Республика Прокуратураси бўлими катта прокурори, адлия маслаҳатчиси.

Милиция ходимлари ёки ДАН ходимлари томонидан ҳам фуқароларнинг буюмлари ёки автомашинаси тинтиб кўрилиши мумкинми?

К. Шеров, Тошкент вилояти.

Жамоат тартибини сақлашга доир бурчини бажараётган милиция ходимлари томонидан бирор-бир шахснинг хатти-ҳаракатлари шубҳа уйғотаётганда, гумон қилинувчини ушлаш чоғида ушланувчининг ёнида қурол борлигига ёхуд жиноят содир этилганлигини фош қиладиган далиллардан қутулмоқчи эканлигига етарли асослар мавжуд бўлганда; тинтув ўтказилаётган бинода ёки бошқа жойда турган шахс иш учун аҳамиятли бўлган нарса ёки ҳужжатларни ёнида яширинча сақламоқда, деб ўйлаш учун етарли асослар бўлганида шахсий тинтув ва олиб қўйиш ўтказилиши мумкин (бунинг учун алоҳида қарор ёки ажрим чиқарилмасдан туриб).

Давлат автомобили ходимлари автомобилнинг тегишли ҳужжатларини текшириб кўриш билан бирга, автомобил ва ундаги юклар ичида нималар борлигини сўраб, кўздан кечиришлари мумкин. Бунга тўхтатилган автомобил ва ундаги шахсларнинг хатти-ҳаракатларидан шубҳаланаётганлиги уларнинг ёнида (унинг) қурол борлиги ҳақида тахмин бўлганда, ушбу вақтда жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахс (шахслар) ёки жиноят қуроллари қидирилаётган бўлиши асос бўлади.

ОЛМОҚНИНГ БЕРМОҒИ БОР

Аавлат корхоналарининг бирида туппа-тузук ишлаб юрган Тўхтажон Очилова ўз қобилиятини тадбиркорликда ҳам бир синаб кўрай, деб кичик корхона очиш тараддудига тушиб қолди. Танишбилишларнинг маслаҳатлари билан бир ҳафталик юғур-югурдан сўнг зарур ҳужжатларни тўғрилаб, 1995 йилнинг 19 июнида туман ҳокимининг қарори билан «Умида-Бону» хусусий фирмасини очишга муваффақ бўлди.

Ишларининг бунчалик тез юришиб кетганидан суюнган Тўхтажон маблағ топиб, уни айлантириш пайига тушди. Кўп ўйлаб ўтирмасдан, «Тадбиркорбанк» туман бўлими бошқаруви раиси Отабек Машариповнинг ҳузурига ярим миллион кредит сўраб, ариза кўтариб борди. Мақсадини баён қилгач, тумандаги «Аланга» хусусий фирмаси кафиллик беришини билдирди. Икки ўртадаги келишувга биноан, ҳужжатлар расмийлаштирила бошланди. Кўп ўтмай, кредит бериш комиссиясининг қарорига асосан 400 минг сўм қарз ундирган Тўхтажон енг шимариб ишга киришди. Қанақа ишга дейсизми?

Фирма ҳисоб рақамига келиб тушган бу маблағни Низомда белгиланган мақсадларга сарф этишни хаёлига келтирмаган раҳбар ўз «тадбиркор»лигини бошлаб юборди. Уни қаерларга ишлатса қанча даромад олишини обдон чўтга солди. Тумандаги «Хонқадон» ҳиссадорлик жамиятига 200 минг сўм пул ўтказиб, эвазига ҳар бир килограмми 11 сўм 30 тийиндан 8 тонна «Ўзбекистон» навли ун, шунингдек, ҳар килоси 11 сўм 50 тийиндан биринчи навли ундан 7,5 тонна сотиб олди. Арзон молнинг бозори чаққон, деганларидек, харид қилинган маҳсулотларнинг ҳар бир килограммини 7 сўм 67 тийиндан аҳолига тезда сотиб юборди. Қўлига тушган нақд пулни эса, фирмага кирим қилишни хаёлига ҳам келтирмай, шахсий манфаати учун ишлата бошлади.

Бебилиска топилган пулдан нафси ҳакалак отган тадбиркор, фирма ҳисобида қолган 200 минг «ўлик пул»ни ҳам ана шундай йўл билан қўлга киритиш мақсадида, Урганчдаги «Галлакор» хусусий кичик корхонасига ўтказди. У ердан ҳар килосини 25 сўмдан баҳолаб, 8 тонна гуруч сотиб олди. Олинган молни фирма ҳисобига кирим қилмасдан, аҳолига сотиб юборди. Тушган пулни фирмага кирим қилишни хаёлига ҳам келтирмади. Жаракжарақ пулларни ўз фойдасига ишлатишни одат қилган «ишбилармон аёл» ўғли Равшанбекнинг А.Навоий номли жамоа хўжалигида яшовчи таниши Собиржон Машариповдан олган 70 минг сўм қарзини ҳам ана шу пул ҳисобидан тўлаб кўя қолди.

Қарз берувчи ва қарз олувчи ўртасида ўзаро тузилган шартномага кўра, пулни тўлаш муддати 1996 йилнинг май ойига белгиланган эди. Хаш-паш дегунча, бу муддат ҳам етиб келди. Бир неча бор банк томонидан огоҳлантирилишига қарамай, Т.Очилова турли баҳоналарни рўкач қилиб, тўлов муддатини чўзишга ҳаракат қиларди. Ойлар кетидан ойлар қувиб, яна бир йил ўтиб кетди.

Маблағни ўз ўрнига қўйиш ташвишида бўлган банк раҳбари қарзни яхшиликча ундира олмаслигига кўзи етгач, 1997 йил март ойида вилоят хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилди. Суд «Умида-Бону» хусусий фирмасидан «Ўзтадбиркорбанк»нинг Хонқа тумани бўлимига жами 975600 сўм пул ва 29286 сўм давлат божи ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди. Фирма раҳбарининг «Барча қарзларимни ўзим тўлайман» деб берган тушунтириш хатига асосан кафиллик берган «Аланга» хусусий фирмаси мулкий жавобгарликдан озод этилди.

Суднинг бу ҳал қилув қарори ҳамда қарзни Т. Очилованинг шахсий мулки ҳисобидан ундириш ҳақидаги 1998 йил 2 майдаги ажрими ҳам бажарилмасдан қолди. Тадбиркор раҳбар ўз билганидан қолмади. Давлатнинг шунча маблағини ўз фойдасига ўзлаштириб юбориб, пинагини бузмай юраверди.

Хоразм вилояти хўжалик судининг даъво аризасига кўра, нафси ўпқон бу «тадбиркор» раҳбар Тўхтажон Очиловага нисбатан ЖКнинг 167-моддаси 4-қисми «а» банди ҳамда 181-моддаси, 232-моддаси билан айб эълон қилиниб, жиноий иш қўзғатилди. Олмоқнинг бермоғини унутган «тадбиркор» ўз қилмишларини бир хомчўт қилиб кўришга фурсат топадиган бўлди. Давлат мулкига кўз олайтирган киши жазодан қочиб кутула олмайди, ахир.

К.РАЖАБОВ,
Хонқа тумани прокурори,
адлия маслаҳатчиси.

• *Ана, холос!*

ТУРМАДА... БОСМАХОНА

Дунёдаги энг баланд тоғ турмаси Боливиянинг пойтахти Ла-Пас (денгиз сатҳидан 4 минг метр юқорида жойлашган) шаҳрида қурилган. Маҳбусхона энг «меҳнатсевар» маҳкумларни бағрига олганлиги билан ҳам дунёда биринчилар қаторида турса керак. Бу ерда уларнинг саъй-ҳаракати билан ишга туширилган 100 ва 200 боливяно (20 ва 40 долларга тенг) пулларни босувчи яширин босмахона фош этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Турмада босилган қалбаки пуллар асосан қишлоқ туманларида яшовчиларнинг ҳамёнларига йўналтирилган. Турма маъмурияти, бир неча йилдан буён қандайдир яширин босмахона ишлаб турганлигини сезган бўлса-да, аммо шу вақттача уни топишга муваффақ бўлмаганди. Энди эса, турманинг баланд деворларидан «ҳатлаб», мамлакат бўйлаб «сайр» қилиб юрган қалбаки боливяноларнинг ҳисоби қанча эканлигини ҳеч ким аниқ айта олмаяпти.

Ушбу воқеадан кейин қўли чаққон маҳбусларнинг яна бир фаолияти фош этилди. Улар таркибида кокаин пастаси бўлган сигарет ишлаб чиқариш цехидан фойдаланишни йўлга қўйган эканлар. Табиийки, бу «маҳсулот»нинг ташқарига чиқишига ҳам турманинг баланд деворлари тўсиқ бўлолмаган.

• *Криминал*



БОЛТИҚБЎЙИ СОВҒАСИ

Собиқ совет қўшинлари Болтиқбўйи мамлакатларидан чиқарилгандан сўнг бу ерларда армиянинг катта миқдордаги қурол-яроғлари қолиб кетади. Ўша вақтларда ўт очиш қуроллари мудофаа учун керагидан ортиқча тўпланиб қолганди.

1993 йилда Эстонияда исталган фуқарога тўппонча ёки карабин олиб юриш ҳуқуқини берувчи қонун қабул қилинди. Табиийки, ўз-ўзидан хусусий фирмаларга ҳам махсус рухсатнома асосида қурол савдоси билан шуғулланишга рухсат этилди. Ҳозирда бундай ҳуқуқга эга фирмалар сони 91 тага етган. Маълумотларга қараганда, худди шу фирмалардан жиноий гуруҳлар қурол-аслаҳа харид қилиб, уларга талаб катта бўлган Россияга яширин йўллар билан олиб ўтишга ҳаракат қилмоқдалар.

Яқинда эса Эстония полицияси ҳарбийлаштирилган ташкилотлардан бирининг буюртмасига кўра, хориждан ўқ отар қуролларни келтирган Таллиндаги бир фирма фаолиятини текширувдан ўтказдилар. Тафтиш давомида «буюртма»чи корхона ҳақида ҳеч қанақа маълумот топилмади. Кейинчалик маълум бўлишича, қурол-яроғлар Россия жиноий гуруҳларига пуллаш учун келтирилган экан.

Айни дамда яширин қурол бозорида «ТТ» русумидаги тўппончалар савдони қизитаяпти. Шу сабабдан ҳам, киллерларнинг севимли «ўйинчоғи» бўлган «ТТ»ни хориждан олиб келишга уриниш ҳолатлари учрамоқда. Масалан, 1997 йилда Германиядан Таллин портига келиб тўхтаган кемада 1000 дона шундай тўппонча олиб келинганлиги аниқланган. Ўтган йилда эса мамлакат полицияси яширин йўллар билан келтирилган «ТТ»дан 2,5 мингтасини қўлга туширган эди.

Шундан кейин полициячилар қуролли жиноий гуруҳлар пайини қирқишга тушади. Тезкорлик билан ўтказилган тадбирлар ўз самарасини беради. Масалан, шу йилнинг бошларида Вильяндима хуторида қўлга олинган жиноий гуруҳ аъзоларидан 15 дона пистолет-пулемёт, 26 дона «ТТ» тўппончаси тортиб олинган.

Натижада, сирлари фош этилаётган қурол савдогарлари бироз нафсларини тийишга мажбур бўлмоқдалар. Шунга қарамасдан, Таллинда 60 доллар турадиган «ТТ» тўппончаларини Санкт-Петербург, Ивангород каби шаҳарларнинг бозорларидан исталган пайтда 150-500 долларга харид қилиш мумкин.

Албатта, бу ташвишли авҳол Россия ҳуқуқ-тартибот органлари эътиборидан ҳам четда қолаётгани йўқ. Бу борадаги чора-тадбирлар қатъий кучайтирилган. Лекин, шунга қарамасдан, қурол карвонининг кўринмас «занжири» узиб ташланганича йўқ. Яқиндагина Эстония полициясининг хабари билан Санкт-Петербург яқинидаги уездлардан бирида Хитойда ишлаб чиқарилган Калашников автоматидан 60 дона топилгани бунинг мисолидир.

(Матбуот хабарлари асосида тайёрланди).

• *Авф*

ЧЎПОН ЖАЗОДАН ОЗОД ЭТИЛДИ

Ёши бир жойга бориб қолган Анорбой Жумабоевнинг қамоққа олиниши кўпчиликни таажжубга солди. Унинг айби нимада эди?

«Судланувчи Жумабоев Анорбой Фориш тумани, Богдон ширкатлар уюшмасининг 2-фермасида 1983 йилдан то 1996 йил 1 августга қадар бош чўпон вазифасида ишлаб келган. Шу давр мобайнида у ўз вазифасига совуққонлик билан қараб, хўжалик манфаатларига катта миқдорда зиён етказади. Яни, жавобгарлигида бўлган майда шохли моллардан 471 тасини қаровсизликдан нобуд бўлишига йўл қўяди.

Бундан ташқари, у ўзига ишониб топширилган 73 бош қўй ва серкаларни оиласи эҳтиёжи учун ишлатиб юборган».

«Жиноят иши»да А.Жумабоевга қўйилган айблар тафсилоти ана шулардан иборат.

Бундай ноқонуний ҳаракатларига айбланувчи тўлиқ иқрор бўлади. Гувоҳлар ҳам юқоридаги далилларни тасдиқлашади. Бош чўпон қилмишига яраша жазога тортилиши муқаррар эди.

Аммо, суд тафтиши ва тергов жараёнида А.Жумабоевнинг жиноятини енгиллаштирувчи қатор омиллар борлиги ҳам аниқланди.

Яъни, суд тафтиши даврида уюшмага етказилган 326 минг 400 сўмлик зарар натура ҳисобида тўланиб, тўлиқ қопланганлиги маълум бўлди.

Айбланувчининг муқаддам судланмаганлиги, ёши бир жойга бориб қолганлиги, қарамоғида балоғат ёшига етмаган 8 нафар фарзанди борлиги ҳам инобатга олинди.

Қолаверса, Анорбой Жумабоев бош чўпон бўлган пайтда ҳам, ҳозир ҳам ўзининг ҳовли-жойига эга бўлмаган. Ижарада яшаган. Хотини қаттиқ бетоб бўлиб қолганда эса, бир қисм молларни дори-дармон олишга сарфлаган.

«Иш»даги айбни енгиллаштирувчи бундай ҳолатлар инобатга олиниб, ҳукм чиқаришда судланувчига нисбатан инсонийлик нуқтаи назаридан ёндошилди. Ва қуйидаги қатъий ҳукмга келинди:

«Жумабоев Анорбой Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 167-моддаси 3-қисми «б» банди ва 207-модданинг 1-қисми билан айбдор деб топилсин...

Унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 7 августдаги «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг беш йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги Фармонининг 2-моддасини қўллаб, тайин этилган 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосидан озод этилсин.

Жумабоев Анорбойга нисбатан эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, суд залидан озод қилинсин...».

Мазкур «иш» юзасидан чиқарилган ҳукм қонунларимиз нақадар инсонпарварлик руҳи билан суғорилганлигидан далолат берувчи кичик бир мисолдир.

Фарҳод КУЛМАТОВ,
Фориш тумани прокурори.

БЕШИНЧИ 55 ЁШЛИ АЁЛ

Йўғ-е, ишониш қийин. Ҳа, биз ҳам дастлаб ишонмаган эдик. Лекин, афсуски, шундай бўлиб чиқди.

Дарҳақиқат, бу ёшда бир оиланинг қайвониси бўлиб, фарзандлари-ю невараларига панд-насиҳат бериб, қават-қават кўрпачалар устида савлат тўкиб ўтириш ўрнига суднинг қора курсисида бу аёлнинг мунғайиб ўтириши нақадар ачинарли, нақадар беяроқ.

Хўш, нега? Нима учун бундай ҳунук ҳолат юз берди?

Неча асрлардан бери ибо ва ҳаё тимсоли бўлиб келган ўзбек аёлининг қиёфаси нега бу қадар ўзгармоқда?

Ахир, ёши ҳам бир жойга бориб қолган аёл кишининг бешинчилик қилиши ҳеч бир замонда учрамаган, ақлга сиғмайдиган ҳодиса эмасми?

Халқимизда эркаклар оиланинг мустаҳкам таянчи ҳисобланган. Лекин, сўнгги пайтларда оила таянчи бўлишга ярамайдиган эркакларнинг учраб турганлигидан кўз юмолмаймиз. Балким, айрим эркакларнинг ана шундай субутсизлиги аёлларни шундай бошлаётгандир?..

Ҳа, бизнинг ҳайратимизни ошираётган бу воқеа аслида шундай юз берган эди.

Сўнгги пайтларда ичиб келиб, жанжал кўтаришни ўзига одат қилиб олган Дилмурроднинг уйдан кетиб қолиш ҳақида янги гапи Гулнорага жуда оғир ботди. Чунки, биринчи турмуши бўлмаган, битта фарзанди билан ёлғизлик ўтказишга қийналиб қолган Гулнора сўраб-суриштириб ўтирмай, ана шу одамга турмушга чиққанига бугун пушаймон. Нега пушаймон бўлмасин, ахир? Аёллик ғурурини ер билан яксон қилиб, уни ҳурмат қилмайдиган, эъзозламайдиган Дилмуродга, кетманг, деб ялинишга мажбур. Чунки, у биринчидан, қўни-қўшниларнинг иккинчи эридан ҳам ажрашиби, деган гапидан андиша қилса, иккинчидан, оилага барибир эркак киши кераклигини ҳис қиларди. Бунинг устига қизи Мавжуда ҳам Дилмуродга анча ўрганиб қолган, уни «дада» деб чақирарди. Ана шу нарсаларнинг яна ўксиб қолишини ҳам хоҳламасди.

Йўқ. Гулноранинг оҳу зорлари унга тарихча ҳам таъсир қилмади. Чунки, у ғирт маст эди.

Дилмурод сўкиниш аралаш унга:

- Бўлди, мен бутунлай кетаман, аёл зоти қуриб кетгани йўқ. Сен бўлмасанг, ана - Муҳаббатхон бор! Ўшаникига бориб яшайвераман, - деб уйдан чиқиб кетди. Гулноранинг кўзларидан беихтиёр ёш оқаверди. Хўрлиги келди. Наҳотки, аёл қадри шунчалар ерга урилса?.. Унинг юрагини пушаймонлик туйғулари кемирарди. Одам оласи ичида, дегани рост экан-да. Сиртидан мўмин - қобил, меҳнаткаш бўлиб кўринган Дилмуродни ўзига муносиб кўрган эди. У билан оила қуриб, бахтли яшоб кетаман, деб ўйлаганди. Агар Дилмурроднинг бундай кўнимсиз, енгил табиатли киши эканини билганида умуман унга тегишга рози бўлмасди.

Гулноранинг иқрорига бефарқ қарай олмаймиз. Илгаридан халқимизда эркаклар оиланинг мустаҳкам таянчи ҳисобланиб келинган. Лекин, сўнгги пайтларда Дилмурродга ўхшаган турмушга, оилага жиддий қарамайдиган, хуллас, оила таянчи бўлишга ярамайдиган эркакларнинг ҳам учраб турганлигидан кўз юмиб ўтолмаймиз. Балким, эркакларнинг ана шундай субутсизлиги аёлларни жиноят кўчасига бошлаётгандир?

Нега бундай хулосага келдик?

Чунки, Дилмурод Гулнорага уйланишидан олдин Муҳаббатхон билан никоҳсиз яшаб келган. Ачинарли томони шундаки, Гулнора билан оила қурса ҳам у билан муносабатларини узмаган.

Ўша куни Муҳаббатхон уни жуда яхши кутиб олди. Бир эмас, икки шиша арақ ичишди. Гап орасида Дилмурод унинг уйига бутунлай келишини айтди. Эски хунтурининг яна қайтиб келиши Муҳаббатни қувонтириб юборди. У, ҳозироқ бориб кийим-кечакларингни олиб келамиз, деб туриб олди. Тун. Вақт ярим кечадан оширган. Икки эски қадрдон ўч олиш учун йўлга чиқишди. Ичкилик таъсиридан тоғни талқон қилишга ҳам кучи етишига ишонган Муҳаббатнинг мияси аниқ-тиниқ ишларди. У ўзича рақибасидан ўч олиш режасини уйидаёқ тузган, ошхона пичоғини олишни ҳам унутмаганди. Мана, такси билан бирпасда етиб келишди. Муҳаббат 1 -қаватда қолиб, Дилмуродни кийим-кечакларини олиб келишга юборди. Лекин, Дилмурроднинг эшик олдида хотини билан ади-бади айтишганини эшитиб, ғаши келди.

Охири, сабри чидамай, ўзи чиқди. Лекин, у чиққанда эр-хотин уйга кириб кетишган, эшик ёпиқ эди. У эшикни тепиб, овозининг борича« Эшикни оч, бўлмаса, ҳозирок ўт қўйиб юбораман» деб бақирди-да, эшикнинг очилишини ҳам кутмасдан, уни бузиб, ичкарига кирди. Дастлаб у Дилмурод билан хотинини яраштириб қўйишга урингандай кўрсатди ўзини. Аслида эса миясида пишитиб келган ва юрагига умуман тинчлик бермаётган режасини амалга ошириш пайида бўлди. Дилмуродни арок топиб келишга кўчага чиқариб юборди. Ўзи эса оч бургутдек ўлжасининг устига бостириб борди. Қўлидаги пичоқни Гулнорага ўқталиб, тезда 50 минг топиб бер, бўлмаса ўлдираман, деб пўписа қила бошлади.

- Йўқ, опажон, менинг пулим йўқ, - дея олди, холос Гулнора. Кейин унинг важоҳатидан қўрқиб йиғлаб юборди.

- Бўлмаса, тақинчоқларингни чиқар, - дўқ қилди Муҳаббат.

Гулнора жон ҳолатда дивандаги тўшаклари тагидан тақинчоқлари тугилган рўмолчани чиқариб берди. Шу тобда Дилмурод кириб келди ва ичкаридаги ҳолатни кўриб, қўрқиб кетди ва Муҳаббатнинг қўлидаги пичоқни тортиб олиб, уни бир тарсаки урди. Муҳаббат қўлга киритган ўлжасини - тугунчани очиб камида 100 минглик тақинчоқларни кўраркан, ўзининг тарсаки еганлигини ҳам унутиб, эрталқардаги «қарокчи» хотинлардек сўкиниб чиқиб кетди. Уйига бориб, бемалол уйқуга ётди. Ҳатто, ширин тушлар кўришга ҳам улгурди. Эрталаб, эшик қўнғироғининг безовта жиринглашидан чўчиб уйғонди-ю, кийим-кечакларини кўтариб Дилмурод келгандир, деб ўйлаб эшикни очди. Лекин, не кўз билан кўрсинки, эшикда милиционерлар туришарди. Муҳаббатнинг бутун аъзойи бадани бўшашиб кетди. У ҳаммасини тушунди. Бироқ, энди кеч эди. Терговда ва судда у ҳар хил важлар кўрсатиб, ўзини оқлашга уринди. Лекин келтирилган далиллар ва асосли исботлар гувоҳларнинг, жабрланувчининг кўргазмаларидан кейин у ўз айбига иқрор бўлди.

Суд ҳукми билан 55 ёшга кирган Муҳаббат Толипова Конституциянинг 27-моддасида белгиланган фуқароларнинг дахлсизлик ҳуқуқини бузганлиги ҳамда ЖК нинг 164-модда, 4-қисми «а» бандида кўрсатилган бешинчилик жиноятини содир этганлиги учун 15 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Мулоҳаза қилиб кўрайлик. Бундай салбий оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб нима?

Бизнингча, биринчи навбатда ҳозирги пайтда баъзи фуқароларимиз хулқидаги салбий ўзгаришлардир. Ачинарли томони, кейинги пайтларда ана шундай хулқи ёмон одамларга жамиятда бефарқ қаралмоқда. Натижада, улар сони камайиш ўрнига ортиб бормоқда. Негадир никоҳсиз, вақтинча эр-хотин бўлиб яшаб келаётганлар ёшлар орасида ҳам, катталар орасида ҳам учрамоқда. Бунинг оқибати эса кўпинча, мудҳиш жиноятларга, оилаларнинг бузилишига, баъзи муштипар аёлларнинг ёш ғудаклари билан сарсону саргардон бўлишига олиб келмоқда.

Ҳа, Муҳаббат ва Дилмурод ҳам шундайлар тоифасидан эди.

Жиноятчи жазосини олди. Лекин, шу жиноятларнинг келиб чиқишига озми-кўпми сабабчи бўлган Дилмурод-чи?

Тўғри, унинг ҳаракатларида жиноят таркиби йўқ. Лекин, Дилмурод виждони олдида қийналармикин? Еки яна аёллар ўртасида адоват қўзғаб қўйиб, томоша қилишни давом эттираверармикин?

Бу унинг виждонига ҳавола.

Бахтиёр УЛЪТАРАХОВ,
Юқори Чирчиқ туман прокурори.
Мехри БОЛЛИЕВА,
«Ҳуқуқ» мухбири.

• *Суд ҳукми ўқилди*

МЕҲМОН ҚОТИЛ

Уйига кирган Карима опанинг ҳамма нарсаларининг остин-устун бўлиб ётганини кўриб, фиғони фалакка чиқди. «Ўғри кирибди», хаёлидан ўтказди. Не кўз билан кўрсинки, шифонерининг ичидаги костюмининг чўнтагидаги қизил қўзи зираги жойида йўқ эди. «Ким ўғирлаши мумкин?» Карима опа минг истиҳола билан уйида ижарада яшовчи Жамшиднинг ёнига келиб, уйига кимдир кирганини ва қимматбаҳо зираги йўқолганини айтди.

- Опажон, сизнинг зирагингизни нима қиламан. Бирон жойга ўзингиз қўйгандирсиз,- деди-ю, Жамшид ташқарига чиқиб кетди.

Карима Сотиболдиева тақдирига тан берди. Аммо, у зирагини ижарада яшовчи эр-хотин Жамшид билан Дилдорадан бошқа ҳеч ким олмаслигини билса-да, бироқ ўз кўзи билан кўрмаганидан кейин, уларга «сенлар ўғирлагансанлар» дея олмасди.

Жамшид ўғирлик молни олди-ю, пойтахтнинг Кўйлиқ бозорига йўл олди. Аммо, қанча уринмасин, харидор топа олмади. Сўнг ижарада яшайдиган уйига - Тўйтепа шаҳри Горняк хўжалигидаги «Ҳақиқат» кўчаси 78-уйга келди. Хотини Дилдорага бозори бароридан келмаганини айтди.

- Дилдорахон, қандай бўлмасин пул топишимиз керак. Одамларни қаранг, «Мерседес», «Нексия»ларда юришибди. Егани олдида, емагани кетида. Биз эса ҳамон бировларга сиғинди бўлиб, ижарада яшаяпмиз.

- Жамшиджон ака, нимасини айтай. Мен ҳам эрта-ю кеч қандай пул топиш ҳақида ўйлайман. Бу йўлда кирмаган кўчам қолмади. Одамларга ҳам ҳайронман. Бунча мол-дунёни қандай топишаркин-а? - деди эрига ноз-карашма билан. - Қандай йўл билан бўлмасин, пул топиш керак. Биласизми, менинг бир таниш холам бор. Анча ўзига тўқ. Қандай бўлмасин, шунинг бойликларини... Бу гаплар Жамшидга мойдек ёқиб тушди. Ўзи ҳам анча вақтдан бери дурустроқ ёғли «иш» қидириб юрганди.

Жамшид билан Дилдора 1995 йил танишиб, 1998 йилдан буён ноқонуний эр-хотин бўлиб, К.Сотиболдиевнинг уйида ижарада яшашарди. Иккови ҳам ҳеч жойда ишламасди.

Эр-хотин 1998 йил 26 март куни Дилдоранинг ташаббуси билан унинг таниши Мария Сергеевнанинг уйига меҳмондорчиликка йўл олишди. Дилдоранинг Мария холаси Тўйтепа шаҳрида яшарди.

Уйига меҳмонлар келганидан Мария хола роса суюнди. Уларга атаб ул-бул ҳозирлади. Сўнг чой ичишиб, анчагина суҳбат қуришди. Сўнг эски касали қўзиб, танишлар билан қиттак ҳам қилди. Охири зериқишиб, карта ўйнашга тушдилар. Ўша пайт Дилдора уйдан нималарни ўмариш ҳақида ўйлаётганди. Мария Сергеевна ёши бир жойга борган бўлса-да, карта ўйинида унча-мунча эркак билан баслашаверарди. Аммо, нимагадир Жамшиднинг ғирромлиги унинг асабига тегди. «Менга қара, Жамшид, эркакмисан, нега ғирромлик қиляпсан?», деган гапи меҳмоннинг нафсониятига тегди.

- Сен шумкампир кимни ҳақорат қиляпсан, - деди-ю Жамшид ташқарига чиқиб кетди. Кўп ўтмай, ярим бўлак ғиштни қўлида ушлаб, уйга кириб келди. Сўнг Дилдорани чақирди:

- Эшитдингми, ифлос кампир мени «эркакмисан» деди. Мана, сенга ғишт.

Агар сен мени десанг, шу билан Мария холангни тинчитасан, тушундингми?

Қиттак-қиттак қилиб олган Мария Федорченко столда ширин хаёлларга берилиб, умри тугаб бораётганидан бехабар, дераза ойнасидан ташқарига қараб ўтирарди. Шу пайт Дилдора мезбоннинг бошига Жамшид берган ғишт билан чунонам туширдики, кутилмаган зарбдан Мария хола чинқириб юборди.

Мезбоннинг овозини ўчириш мақсадида Жамшид қўлидаги капрон ип билан бир неча дақиқа уни маҳкам бўғиб турди. Меҳмонлар мезбонга ана шундай «ҳурмат» кўрсатишди. Мария холани тинчитишгач, меҳмонлар уйни «тинтув» қилишга киришди. Уйдан ҳеч нарса топа олмагач, Жамшид марҳумаининг қулоғидаги тилла зиракни ечиб олиб, эшикни сиртидан қулфлаб, ўз уйларига жўнашди. Воқеа юз берган кунининг эртасигаёқ Жамшид тилла зиракни сотишга пойтахт бозорларидан бирига тушди. Марҳумаининг тилла узугини 12 минг сўмга пуллаган Жамшид ўзи учун туфли ва спорт костюми сотиб олади.

Энг даҳшатлиси, қотил ўз қилмиши ҳақида заррача ҳам ўйлаб кўрмайди, виждони ҳам қийналмайди. Гўёки, у ўзини гуноҳсиздай ҳис қилиб, одамлар орасида яшайверади. Тўғри келган жойда иймон, виждон ҳақида гапириб ҳам қўяди.

Марҳума Мария Сергеевна ўзи яшаётган кўчадаги 2-сартарошхонада фаррош бўлиб ишларди. Унинг ўз вақтида маошини олишга чиқмаганидан хавотирланган сартарош Т. Умиров М. Федорченконинг уйига боради. Уй эса қулфланган. Дарвозадан ошиб уйга кирса, не кўз билан кўрсинки, Мария хола ўз уйида ўлиб ётган экан.

Ушбу жиноят ишини очиш осон кечмади. Терговчиларнинг узоқ вақт суриштирувларидан сўнг жиноят фош қилинди. Терговда Жамшиднинг чўнтагидан Карима опанинг қимматбаҳо зираги ҳам топилди.

Тошкент вилояти судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида И. Норматов раислигида ушбу жиноят иши кўриб чиқилди. Судда Жамшид Эшқувватов ва Дилдора Раҳимовалар ўз айбларига иқрор бўлишди. Одил суд уларнинг қилмишини муносиб баҳолади. Ж.Эшқувватов 20 йил, Д. Раҳимова 16 йил озодликдан маҳрум этилди. Республика Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати ҳукмни ўз кучида қолдирди.

Кўр-кўрни коронғида топибди, деганларидек, улар олдин ҳам суднинг қора курсисига бир мартдан ўтириб улгуришган. Бундай кимсалар тарбияси билан ҳеч ким шуғулланмаганини гапириш ортиқча бўлса керак. Тарбиясизлик, маънавий қашшоқлик, текинхўрлик билан кун кечиришга одатланиш ҳар қандай кишини жар ёқасига олиб келиб қўяди. Бунга Жамшид билан Дилдоранинг тақдири мисол бўлади.

Рустам МАТЧАНОВ,
Республика Прокуратураси бошқармасининг катта прокурори.
З.МАМАДАЛИЕВ,
«Ҳуқуқ» мухбири.

Термиз транспорт прокуратураси фаолияти билан танишар экансиз, бир-биридан қизиқ воқеаларга дуч келасиз. Гоҳ кулсангиз, гоҳида қуйинасиз. Қуйида ана шундай ҳангомалардан бири қаламга олинган.

1998 йил 16 июнь куни. Карташовнинг эрталабдан «юз»та отиб олгани сезилиб турарди. У ширакайф ҳолатда эди.

Вячеславнинг ови ўнгидан шов тўсатдан ғойиб бўлди. У илгаридан хилват жойга кўмиб қўйган қўшоғиз милтиқ ва икки дона ўқни олиб, ўзини тўқайзорга урди.

САМОЛЁТ «ОВ»И

Ажаб ҳангомалар



Унинг қўли сира ишга бормасди. Кўнгли ёлғиз овни тусарди.

Вячеслав Амударё соҳилларида ишларди. Махсус мослаштирилган кемада сув ўзани кўмини тозалашарди. У ёқларда эса тўқай ва қамишзорлар кўп. Ҳар хил паррандаю парранда-ларнинг сон-саноғи йўқ.

...Чошгоҳ маҳали эди. Карта-келгандек эди. Орадан кўп ўтмай, яланглиқда ўз ризқини териб юрган бир гала тустовуққа дуч келиб қолганидан суюниб кетди. Ва жонворларни отишга чоғланди. Ҳавфни сезган тустовуқлар гурра осмонга кўтарилди. Тасодифни қарангки, шу заҳоти Музработ туманидаги «Бешқўтон» жамоа хўжалиги 1-бўлимига қарашли шоли майдонларига уруғ сепаётган АН-2 русумли самолёт пайдо бўлди. Карташов шунда ҳам эс-хушини йиғиб олмади. У кўра-била туриб, милтиқ тепкисини босди. Ўқ эса самолётга тегиб, унинг бир неча жойига шикаст етказди. Карташов шундан сўнггина ўзига келди ва дарҳол ўзини панага -қидирув ҳаракатлари натижасида Вячеслав Карташов ушланиб, қамоққа олинди.

Ниҳоят, у ўз айбига иқрор бўлди. Воқеа жойида ўтказилган текшириш жараёнида милтиқ ва унга тегишли бўлган бир дона жанговар ўқ ҳам топилди.

В. Карташов Музработ туман суди томонидан ноқонуний равишда ўқотар қуроли сақлаб келгани ва безорилик қилиш йўли билан ўзганинг мулкига шикаст етказгани учун тегишли жазосини олди.

Ўктам БЎРИЕВ,
Термиз транспорт прокурори, адлия маслаҳатчиси.
Курбон ЖЎРАНАЗАРОВ,
«Ҳуқуқ» мухбири.

Илҳом ЗОЙИР газетамиз меҳмони



Илҳом Зойир 1961 йил Бухоро вилоятининг Шофирқон туманида туғилган. 1987 йил ТошДУ журналистика факультетини тугатган. «Тарсаки», «Елпатак» номли китоблари чоп этилган. Айни пайтда А.Қодирий номли халқ мероси нашриётида хизмат қилмоқда.

Ҳажвия

ТАЯНЧ НУҚТАСИ

Тўйхонанинг тўрида савлат тўкиб ўтирган дўкон мудири Қўзивой мўйлов дабдурустдан:

- Керак бўлса, ер шарини ҳам жойидан жилдириб юбораман, - деди ялангтўш кўкрагига шапатилаб.

Собиқ ўқувчисининг бу гапини эшитган физика ўқитувчиси Дарғаев бир қадар ҳушёр тортди ва қимтинибгина унга яқинроқ сурилди.

- Қўзивой, - деди бўйнини Қўзивой томонга хиёл чўзиб, - физикадан зўрга икки яримга тортгансан, отангнинг ҳурмати учун қўйиб берардим. Бугун эса ер шарини жилдириб юбораман, дейсан. Қўлингдан келармикан?

- Ҳа, энди, домла, - деди Қўзивой шоҳдор мўйловини бураб. - Қўлимиздан келмаса, бекордан бекорга гапирмаймиз...

- Архимеддай одам жилдиролмаган нарсани сен қандай жилдирасан? Аввал сен Архимед тополмаган нарсани топ, сўнг гапир, хайми!?

Қўзивой мўйлов Дарғаевга қараб беписанд тиржайди.

- Энди, домла, ўша Архимедингиз тополмаган нарсани биз топганмизда.

- Хўш-хўш, - деди Дарғаев қулоғини динг қилиб, - нима экан ўша нарса, билсак бўладими?

- Мана бу нарса, - деди Қўзивой мўйлов чўнтагидан бир даста пул чиқариб дастурхон устига «шап» этказиб ташлар экан. - Худди ана шу нарсадан бечора Архимед сиқилган.

- Бу нима? - деди Дарғаев ажабланиб.

- Таянч нуқтаси! - деди Қўзивой тарвузчадай қорнини силкитиб-силкитиб куларкан. - Ҳи-ҳи-ҳи...

Дарғаев ҳангу-манг бўлиб қолди.

Пойинтар – сойинтар

Саволлар

1. Энг совуқ жой қаер?
2. Хўроз нега товуқлар олдида бир оёқда сакрайди?
3. Кўз билан қулоқни боғлаб турадиган нарса нима?
4. Сигирнинг лақмалиги нимада?
5. Эркак уйлангандан кейин ундан нима қолади?
6. Одам ўзи билан ўзи ўралашиб қолса нима қилиш керак?
7. Севги билан картошканинг фарқи нимада?
8. Яримни яримга қўшса неча бўлади?

Жавоблар

1. Бўш чўнтак.
2. Иккинчиси билан шимини ушлаб туради.
3. Кўзойнак.
4. Ўзи сув ичиб, бошқаларга сут беради.
5. Эр.
6. Уйланиши керак.
7. Бирининг нархи ошиб борса, бири арзонлашади.
8. Бир литр.

НОРДОН МАСЛАҲАТЛАР

1. Иш бор жойда хато бор. Хато қиламан деб ишдан совуманг!
2. Котибанинг кўнглини топишга ҳаракат қилинг. Котиба хамма балони билади.
3. Ғалабангизни ҳамманики денг. Бундан ўзингиз ҳам, бошқалар ҳам хурсанд бўлади.
4. Ҳар нарсани сўрайверманг. Саводсиз экан деб ўйлашади.
5. Ҳар куни одамлардан ўзингиз ҳақингизда сўранг. Бўлмаса, борлигингизни унутиб қўясиз.
6. Хамманинг фикрига қўшилаверманг. Бирор гап чиқса, сизга ҳам гап тегади.
7. Миянгизни ишлатаман деб кўп уринманг. Ўзингизни чарчатиб қўясиз.
8. Кўпчиликдан ўзиб кетманг. Кўпчиликка гап тегиши мумкин.
9. Кўлингиздан бирор иш келмаса ҳам, ўзингиздан яхши фикр қолдиринг.
10. Яхши кўрган одамингиздан қарз олинг, ёмон кўрган одамингизга қарз беринг. Қарз берган келади, қарз олган қочади.
11. Хамиша ўзингизни танқид қилинг. Шунда бошқалар сизни танқид қилолмайди.
12. Кўзларингизга ҳадеб ишонаверманг. Кўзлар алдаб қўйиши мумкин.
13. Бошлиқ ҳузурида «ҳўп»дан бошқа сўз ишлатманг!
14. Биродининг гапини охиригача тингланг. У гапириб бўлгунча сиз дам оласиз.
15. Ҳаёл бамисоли шамол. Хаёл сураверманг. Ҳамма ёқни ман-тўзон қилиб юборасиз.
16. Ҳамма гапни ишингизга ютаверманг. Оғирлашиб қоласиз. Бу эса кўтарилишингизга халақит беради.
17. Олдингизга кўйган мақсадингизни ҳар замон-ҳар замонда эслаб туринг. Бўлмаса эсингиздан чиқиб кетади.
18. Ўз ишингиздан кўнглингиз тўлмаса, бошқа ишлар билан тўлдиринг!
19. Биродарларнинг тажрибасига суянаверманг. Кулаб тушишингиз мумкин.
20. Сизни ишга кўлиб ташлашларига йўл қўйманг. Нафас етишмай, бўғилиб қолишингиз мумкин.
21. Кийимларга алоҳида эътибор беринг. Кийим барча иллатларингизни ёпиб туради.

ШАРҲЛИНОСЛИК ТУГАРАГИ

ПОРА - *Папада олинадиган расво ақча.*

ТИЛ - *Танглайга илинган лаҳм.*

ИСМ - *Инсоннинг сифат маркаси.*

СПИД - *Сатангларнинг поэтик-илмий драмаси.*

БОЗОР - *Борган одамнинг захрини оладиган раста.*

ДЎКОН - *Доирасига ўйнатиб, киссани овлайдиган пайрапбоз.*

ТИЖОРАТЧИ - *Тиши илинган жойни оғритмай рандалайдиган абжир, тадбиркор, чаққон инсон.*

АХБОРОТ - *Аҳолидаги хабарларнинг борини олиб радио орқали тарқатиш.*

БИЗНЕС - *Бозорчи инсонларга зарур нарсаларни етказувчи савдогар.*

САВДО - *Соддагина авраш воситасида даромад олиш.*

ДАЛЛОЛ - *Дангал, абжир, лақиллатиб «лой»ини оладиганларнинг лақаби.*

СУҲБАТ ТУНГИ

Тун ярмидаги телефон қўнғироғи трест бошлиғи Интизоровнинг оромини бузди. Ширин уйқусини бузгиси келмай, ўнг ёнбошидан чап ёнбошига ағанаб олди. Безовта жиринглаётган телефоннинг чакаги тинавермагач, ноилож гўшакни кўтарди.

- Эшитаман...Ким бу-у?

Гўшакдан таҳликали овоз эшитилди.

- Сайфи Сатторович, бу мен, Ғурбатовман!

Интизоровнинг ҳафсаласи пир бўлди.

- Отангни арвоҳига... Намунча! ...Ўпка...Шунақа пайтда ҳам телефон қиладими?

Ғурбатов томоқ қириб, ютуниб олди.

- Сайфи Сатторович, «Ҳуқуқ»нинг янги сонини ўқидингизми?

- Йўқ ҳали, нима деб ёзишибди?

- Биласизми, нима деб ёзишибди?...

- Тезроқ гапирсанг-чи, сертсага нагрузка қилма...

- Эй, қўйинг, телефунда айтадиган гап эмас-да...

КИМ АЙБДОР?

Эрталаб барвақт мушугимизни бўйнидан олдим-да, деразадан ташқарига ирғитиб юбордим. Миёвлаганча қўшнимизнинг ҳовлисига кириб кетди.

- Зўрингиз мушукка етдими? - деди хотиним пўнғиллаб.

- Сичқон тутолмайдиган мушук кимга керак? - дедим мен ҳам миғирлаб.

- Сиздай-да, - деди хотиним жиғимга тегиб.

- «Нима-а?» дейишимни биламан, эшикдан қайнанам кириб келдилар.

- Қуёвнинг тили чиқибдими, қизим, - дедилар қайнанам қизлари билан кўришаркан.

- Сизнинг ишингиз бўлмасин, - дедим гурурим кўзиб. - Эркакман, ахир! Ўзимнинг хотинимга баландроқ гапиролмайманми, энди?

- Гапиринг, куёв. Фақат қўшниларга эшиттирмай гапиринг.

- Эркакман-да, овозим дағалроқ чиқади. Эркакман, эркакман, дейсиз. Эркаклар бозорни чангини чиқариб юрибди...

Кайфиятим бузилганча чиқиб кетдим. Автобусда кета туриб, хаёл билан бировнинг оёғини босиб олибман, денг. Автобусдан тушунимча жабрдийданинг «гап»ини еб бордим.

Бир мижоз йўқдан таёқ ёўниб, жиғимга тегди. «Бор-е» дейишимни биламан, эшикдан бошлигимиз кириб келдилар. Баҳонаи сабаб, бошлиқлар йўқ гапларни эшитдим. Битта «хайфсан» билан сийлашди. Таъбим тирриқ бўлиб, хонамда ўтириб ўйладим. Нега менга «Хайфсан» беришди?

Хўш, бошлиқ мени нега хонасига чақирди? Нимага? Мижозга қўпол муомала қилганим учун. Нега қўпол муомала қилдим? Мижоз кўрслик қилгани учун. Нимага шундай бўлди? Автобусда «гап еб» келганим учун. Нимага? Бехос унинг оёғини босиб олдим. Нимага шундай бўлди? Кайфиятим ёмонлиги сабаб. Кайфиятимни ким бузди? Қайнонам. Унинг тилини ким қичитди? Менинг баланд овозда гапирганим. Нимага баланд овозда гапирдим? Хотиним мени мушукка ўхшаттани учун. Бунга сабаб нима? Мен мушукни деразадан ташқарига улоқтирганим. Нимага? Мушук сичқон тутмай қўйгани учун... Демак, ҳаммасига мушук айбдор. Шундай экан, нега унда менга «хайфсан» беришди?



Атрофимиздаги одам

Об-ҳавонинг ҳолатидан дарак берувчи баъзи аломатлар:

Янги ой туғилиши арафасида об-ҳаво ўзгаради.

Қуёш чиқишидан олдинги шамол ва қора булут - ёмғир белгиси.

Қуёш ботаётганда осмон бегубор бўлса - эртасига ҳаво очиқ бўлади.

Қуёш кечқурун булутлар орқасига ўтиб ёки қоратмир-қизариб ботса, яъни шафақ тўқ қизил бўлса - эртасига об-ҳаво айнийди.

Тушга бориб Қуёш хиралашса - ҳаво айнийди.

Юлдузларнинг кўпроқ жимирлаши ҳавонинг айнишидан дарак беради.

Мўридан чиққан тутун тик кўтарилса-ҳаво очилиб кетади, ер бағирлаб тарқалса - ҳаво айнийди.

Эрталаб туман тушса - ҳаво очилиб кетади.

Тунда ва эрталаб шудринг ёки қиров тушса - ҳавонинг очиқ бўлиши кутилади.

Ёмғир пайтида бирданига шамол турса - ҳаво юришиб кетади.

Қишда кечқурун ҳаво эрталабкига нисбатан бирмунча илиса, осмонга булут чиқиши мумкин.

Ёмғир томчисидан сувда пуфакчалар ҳосил бўлиши ёғингарчиликнинг анча давом этишини билдиради.

Кундузи иссиқ, кечаси совуқ бўлса, ҳаво узоқ вақт очиқ бўлиши мумкин.

Агар кундузи ҳаво очиқ бўлиб, кечга яқин туман тушса, совуқни кутиш мумкин.

Терак кўчаласи ҳавода учиб юрса - ҳаво очиқ бўлади.

Гуллар одатдагидан кўра кўпроқ ҳид таратса, ёмғир ёғишини кутиш керак.

Асаларилар барвақт озуқа қидириб кетса, ҳаво очиқ ва бегубор бўлади.

Қарға ҳурпайиб олса, ёмғир ёғишини кутиш керак.

Балиқ сув бетига салчиб чиқиб олса - ҳаво айниши, ёмғир ёғишини кутиш керак.

Ўргимчакнинг ин қурабошлаши - ҳавонинг очилиб кетиши белгиси, ининг ўртасида қимир этмай туриши - ҳаво айниши, ёмғир ёғиши белгисидир.

Умуман, ана шундай аломатларга асосланиб, об-ҳавонинг қандай бўлишини ўзингиз олдиндан билишга уриниб кўришингиз мумкин.

Гули ҲОЖИБОЕВА
тайёрлади.

ЛУҒАТЛАР:

Гилайлар учун

Икки	-	икки икки
Кичик	-	кичик кичик
Кучук	-	кучук кучук
Мум	-	мум мум
Нодон	-	нодон нодон
Қатиқ	-	қатиқ қатиқ
Қизиқ	-	қизиқ қизиқ
Қовоқ	-	қовоқ қовоқ

Чапақайлар учун

Руҳ	-	ҳур
Қўй	-	йўқ
Овқат	-	тақво
Роз	-	зор
Кал	-	лак
Кўп	-	пўк

Дудуқлар учун

Ка-ка - қанд
Би-би - машина
Аш-ша - овқат
Жиш-ша - гўшт
А-а-а - ана у
М-м-м -мана бу
Қ-қ-қ - қани
Ҳо-ҳо-ҳо- ҳолва.